Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 279 (4677)
9 ДЕКАБРЬ 1981 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 юлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ 7 декабрь куни Будапештда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар билан музокаралар ўтказди.

Самимий, ўртоқлик вазиятида ўтган музокаралар чоғида икки мамлакат ҳукуматларининг бошлиқлари КПСС XXVI съездининг ва ВСИП XII съездининг қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, Совет— Венгрия ҳамкорлигининг аҳволига, уни ривожлантириш асосий йўналишлари ва истиқболларига тааллуқли бир қанча масалаларни кўриб чиқдилар.

Европада ва бутун дунёда кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштиришга, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга ўтиш, тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга тааллуқли баъзи халқаро проблемалар ҳам кўриб чиқилди.

△ Кеча Женевада Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Совет— Америка музокараларидаги СССР ва АҚШ делегацияларининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

△ «Медицина фанининг вазифалари» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

«Сен хизмат қилаётган ўлка» — шундай деб аталган кинолекторий Самарқанднинг бой тарихи ва бугунги куни билан учрашувга маҳаллий гарнизон жангчиларини таклиф этди. Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи давлат музейининг ходимлари шу кинолекторийни ташкил этиш ташаббускорлари бўлдилар. Кинолекторий ёш солдатларни шаҳардаги кўпгина донгдор кишилар билан таништиради. Улар КПСС XXVI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «АН—2» самолёти экипажининг командири Г. И. Цховребовнинг ҳикоясини зўр қизиқиш билан тингладилар. Музей ходимлари жангчилар учун экскурсиялар ташкил этмоқдалар, солдатларнинг клубларида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

* * *

«Навоиазот» бирлашмасининг иккинчи навбати корхонада очилган ҳунар ўргатиш кабинетида... ишлай бошлади. Бирлашма асосий цехларидаги технология машина-ускуналарининг ишловчи моделларини ишчи ва инженерлар ясашган. Уларга эса мактаб ўқувчилари ёрдам беришди. Болалар ҳунар ўргатиш кабинетида химиклар шаҳридаги энг йирик корхоналардан бири ишлаб чиқараётган маҳсулот намуналари билан, унинг ҳаёти билан танишадилар. Юқори синф ўқувчилари график бўйича шу кабинетга келиб турадилар, меҳнат коллективининг вакиллари билан учрашадилар. Кўпгина йигит-қизлар мактабни тамомлагандан кейин корхонада ишлай бошладилар.

* * *

Каникул саёҳатлари туристик харитасида **иккита янги** маршрут пайдо бўлди— мактаб ўқувчилари Грузия пойтахти Тбилисининг диққатга сазовор жойлари ва Балтика бўйидаги порт— Лиепая билан танишадилар. Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросида тузилган маршрутлар бўйлаб қишки каникул кунлари республика пойтахтининг бир минг икки юздан кўпроқ ёш аҳолиси саёҳатга чиқади. Ёш сайёҳлар Москвада, Ленинградда, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, Ўзбекистон шаҳарларида бўладилар. Ўз навбатида Тошкент ҳам мамлакатнинг кўп жойларидан келадиган юзлаб туристларни қабул қилади.

(ЎзТАГ).

Республикамизнинг йирик саноат корхоналаридан бири— Тошкент химия-фармацевтика заводида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, корхонанинг биринчи филиалида реконструкция ишлари бажарилаяпти.

СУРАТДА: химия фанлари кандидати Т. Раҳматуллаев ва мастер Б. Ким мураккаб дори-дармонлар тайёрланадиган комплекс ишини кузатмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

СССРнинг 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафталик

БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИ—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

Шаҳар саноат корхоналари коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, 24 ноябрда халқ хўжалик буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн бир ойлик планни муддатидан аввал адо этдилар.

Натижада шу йилнинг январь-ноябрь ойлари учун белгиланган саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 101,6 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 102,2 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,9 процент бўлди, меҳнат унумдорлиги эса 1980 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан 3,9 процент юксалди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсиши 62,7 процентни ташкил этди.

Товар маҳсулотни реализация қилиш бўйича давлат планини шаҳарнинг барча районлари бажарди.

Шаҳар районларида саноат ишлаб чиқариш планининг бажарилиши ва ўсиш суръати йилнинг ўн бир ойида қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

Шаҳар районлари	Реализация бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)		Утган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (процентларда)			Ноябрь ойида социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши (процентларда)
	1981 йилнинг ноябрь ойида	1981 йилнинг январь-ноябрь ойларида	реализация бўйича	ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	меҳнат унумдорлиги бўйича	
Шаҳар бўйича	101,3	101,6	104,6	105,9	103,9	109,4
Акмал-Икромов районн	102,6	102,0	104,6	105,5	104,5	161,2
Киров районн	102,7	102,6	100,3	102,3	102,9	220,0
Куйбишев районн	101,4	101,4	104,1	104,2	103,6	144,0
Ленин районн	100,2	100,6	105,6	106,1	105,2	72,0
Октябрь районн	102,6	102,6	106,6	108,9	105,5	132,7
Собир-Раҳимов районн	102,4	102,5	107,6	109,9	109,6	124,0
Сергели районн	102,1	100,8	108,6	107,1	103,6	41,9
Фрунзе районн	95,3	100,4	103,9	103,6	101,5	64,2
Чилонзор районн	101,7	103,1	105,4	106,3	102,1	112,7
Ҳамза районн	102,5	102,0	103,7	106,7	102,8	101,3

Йилнинг ўн бир ойи мобайнида Тошкент саноати планга қўшимча 47 миллион 210 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтиришда «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлик заводи, «Ташавтоматика». Газ аппаратуралари. «Эталон», лак-бўёқ заводлари. 3-ун заводи, электротехника, химия фармацевтика, электрон техника, «Ташхимсельмаш», «Средазгазавтоматика» заводлари: «Чевар», «Средазкабель», «Энергостройиндустрия», «Қизил тонг», «Тошкентпиво», «Матбуот» полиграфия бирлашмалари, Тошкент мармар, «Тошкент» мебель бирлашмалари; тамаки, тўқимачилик-галантерея, бадиий буюмлар, «Сувенир», бош кийимлар фабрикалари; сут комбинати, «Турист» комбинати, қурилиш материаллари комбинати, 1-уйсозлик комбинати, 2-уйсозлик комбинати, «Узбекэнергоремонт», Модалар уйи, бадиий-конструкторлик бюроси, «Ташкентгазэнергоремонт» корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда юксак суръатларга эришдилар.

Кўпгина корхоналар шартномадаги мажбуриятларини бажара бориб, муҳим халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш бўйича ноябрь ойи топшириғини муваффақиятли уддаладилар.

Шу билан бирга 1981 йилнинг январь-ноябрь ойларида шаҳарнинг уч корхонаси маҳсулот реализация қилиш бўйича план топшириғини уддалай олмади. Бу тепловоз ремонт заводи (Ленин районн), ошхона ва бошқа мебеллар заводи (Сергели районн), шампан винолар заводидир (Ҳамза районн).

Календарда—январь, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилининг сўнгги ойи. Барча участкаларда, бригадаларда, цехларда шу кунларда социалистик мусобақаларга якун ясалди, ишлаб чиқариш резервлари аниқланаяпти.

Ишнинг манфаатлари меҳнатни ташкил этишни, технологияни такомиллаштиришни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни, иш сифатини яхшилашни тақозо этади. Токи, коллективлар беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган план ва мажбуриятларини шараф билан бажарсинлар, янги йилнинг дастлабки кунларидан унумли меҳнат қилиш учун мустаҳкам моддий техник база яратсинлар.

Комсомол аъзоси Насиба Ҳайдарованинг пойтахтимиздаги тўқимачилик-галантерея маҳсулотлари фабрикасида ишлаётганига атиги икки йил бўлди холос. Аммо у ўзининг меҳнатсеварлиги, тажрибали ишчиларнинг ёрдами туфайли қисқа вақт ичида тикувчи-мотористкалик касбини пухта эгаллаб олди.

Ҳозир у корхона илғорларидан қолишмай смена топшириқларини 110 процентга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: Н. Ҳайдарова.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

БРИГАДА ҒАЙРАТИ

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 153-трестига қарашли 1-бошқарманинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холхўжа Баҳодиров бошлиқ комплекслашган бригадаси қурувчилари шу кунларда «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ҳаракатида фаол иштирок этиб, қувончли натижаларга эришмоқдалар. Бригада коллективи пойтахтимизнинг Ҳамза районидаги Янги йўл кўчасида тўрт қаватли 400 ўринга мўлжалланган ётоқхона қурилишини қизғин олиб бормоқда.

БУГУН

қурувчилар ана шу ётоқхонанинг умумий қурилиш ишларини муддатидан 15 кун илгари битказишга муяссар бўлдилар. Айни пайтда 12-қурилиш бошқармасининг пардозлаш бригадалари бу ерда сайқал бериш ишларини муваффақият билан давом эттиришмоқда.

Бинокорлар Злобин методи асосида меҳнат қилишмоқда. Ҳозирги кунда бригаданинг меҳнат календарида 1982 йилнинг иккинчи ярми бошланган.

М. ФЕЛЬДМАН.

ҚУРИЛИШ УЧУН МЕХАНИЗМЛАР

Шу йилнинг ёзида Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро қурилиш ва йўл машиналари кўргазмасида Ўзбекистон мутахассислари Германия Федератив Республикаси корхоналарига буюртма берган эдилар. Ўшанда тузилган ўзаро шартномага биноан бетон қоришмасини тайёрлаш, ташиш ва ёткизишда ишлатиладиган ускуналарнинг комплекти Тошкентга келтирилди.

Бу ускуналарни Германия Федератив Республикасидаги Штеттер фирмаси мамлакатимиздаги «Союзспецтяжстрой» бирлашмаси билан ҳамкорликда тайёрлаган. Бу ускуналар ўзининг юксак техникавий кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Стационарли махсус насос бетон қоришмасини 16 қаватли бино тепасига ва ён атрофдаги 200 метр масофага узата олади. Автобетоннасос соатига 80 кубометр бетонни пойдеворга ёткизади.

— Янги ускуна, —деб ҳикоя қилади «Висотстрой» трестининг бош механиги В. К. Севиянц, — осмонўпар биноларни бунёд этишда жуда қўл келади. Айниқса бино тепасида ва унинг атрофида бетонни ёткизиш ишида қўл меҳнатини анча камайтиради.

«ЖИЛҒА» ШУҲРАТ ҚОЗОНМОҚДА

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Узгипроводхоз» институти қошида ташкил этилган «Жилға» халқ ҳаваскорлик ансамбли икки йилдан буён муваффақиятли ишлаб турибди.

Қисқа вақт ичида бир неча кўрик ва конкурсларда муваффақият қозонган бу коллектив Москвада Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида зиёратчиларга концерт бериш шарафига муяссар бўлди. Натижада ансамбль мамлакат виставкасининг диплом и ва Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Бу ансамблнинг ижрочилик маҳорати ҳатто Латвиядаги кино санъати усталарини ҳам қизиқтириб қолди. Бу республикада Родриго Грунович Рекард режиссёрлигида яратилган «Сув ҳақида достон» ҳужжатли фильмида ансамбль қатнашчилари суратга тушдилар. Ансамблга оддий телефончи Абдуваҳоб Йўлдошев бадиий раҳбарлик қилмоқда. Унинг аъзоларидан Шукрулла Убайдуллаев, Дилбар Нўъмонова, Ғафур Исамуҳамедов, Эркин Умаров, Флора Каттахўжаева, Тоҳир Ориповлар турли касб эгалари бўлишига қарамай, ўзбек классик ва замонавий халқ қўшиқ ва рақсларини репертуарга олиб кирдилар.

Т. ШОЮСУПОВА.
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги матбуот маркази мухбири.

ЮРИСТЛАР КЕНГАШИ

Тошкент шаҳар прокуратурасида КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш масалалари бўйича илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда шаҳар ва районларнинг партия, совет ва хўжалик органлари вакиллари, ҳуқуқ муҳофазаси органлари, илмий муассасалар, матбуот органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг раҳбарлари, халқ контроли комитетларининг раислари қатнашдилар.

Конференцияда Тошкент шаҳар прокурори Ғ. Б. Бухоровнинг доклади, Ўзбекистон ССР прокуратураси ташкилий-контроль бўлимининг бошлиғи Г. Е. Кашкетнинг ва В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети совет давлат ҳуқуқи кафедрасининг катта ўқитувчиси А. Хусановнинг қўшимча докладлари тингланди.

Конференцияда шунингдек Тошкент шаҳар партия комитети маъмурий органлар бўлими мудири В. Т. Покутнев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. М. Юсупов, шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Т. Буланов, шаҳар халқ контроли комитети раиси Ф. Н. Назруллаев, агрегат заводи директори В. Р. Бойжонов, «Правда Востока» газета редакцияси хатлар бўлими мудири Л. С. Исамуҳамедова, шаҳар ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғи Д. К. Қосимов, шаҳар суди раиси С. С. Салимов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

ТЕПЛИЦАДА ПИШИҚЧИЛИК

Пойтахт областининг Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг теплица комбинати. Ичкарига киришингиз билан олтиндек сапсариқ лимон ва апельсинларнинг ҳиди димоққа урилади. Шу кунларда комбинат миришкорлари етилган ҳосилни пешма-пеш узиб олмоқдалар. Звено бошлиғи Шокиржон Эрматов новдаларни кесиб, экишга тайёрламоқда. Бу ерда «Меер» навли серҳосил лимоннинг уч минг туп кўчати етиштирилиб, республикага тарқатилмоқда.

А. Саидмуҳамедов бошлиқ бригада цитрусчилари икки гектар майдонда лимон, апельсин, сабзавотдан мўл ҳосил етиштирдилар. Пландаги 90 минг дона лимоннинг 50 минг донаси Тошкент шаҳри аҳолисига тортиқ этилди. Бундан ташқари 100 тонна помидор, бодринг аҳоли дастурхонига жўнатилди.

Комбинат миришкорларидан Умида Маъруфова, Феруза Шодиллаева, Ҳадя Назирова, Мавжуда Шораҳмедова, Зулайҳо Комилова кабилар ҳар куни кўплаб лимон ва апельсин узишаяпти.

Комбинат азаматлари янги йил дастурхони ҳақида ҳозирданоқ қизғин тайёргарлик кўришмоқда. 50 минг дона «Меер», «Юбилейний» навли лимонлар, 35 тонна помидор ва бодринг шаҳар аҳолисига етказиб берилади. Комбинат меҳнат аҳли қишки пишиқчилик мавсумида давлатга 200 минг сўмлик даромад келтиради.

И. РУСТАМОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ҚИШГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Шаҳар хўжалигини куз-қиш шароитида ишлашга тайёрлаш бўйича штабнинг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов олиб борди. Унда халқ назоратчиларининг текшириш материаллари бўйича ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланилишига қаратилган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботлар тингланди.

Шаҳардаги барча истеъмолчиларнинг газ билан таъминланишини яхшилаш мақсадида Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг қозонхонасига олиб борувчи узунлиги 6,5 километрлик газ қувурлари қурилиши тугалланди. Маҳорат, Журжоний, Назарбек, Меҳмондўст, Бешкент кўчалари, Файзиобод кўчасининг 1-проездидан 4-проездигача бўлган қисмида газ қувурлари фойдаланишга топширилди. Полевая кўчаси бўйлаб ўтказилган газ қувурининг ишлаши таъминланди. Барча қозонхоналарда белгиланган график асосида капитал ва жорий ремонт ишлари ўтказилди, резерв ёнилғи жамғариб қўйилди.

Бугунги кунда фойдали майдони 19 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган уй-жой фондини қишга тайёрлашга катта эътибор берилди. Бироқ, ҳамма микрорайонларда ҳам томларни ремонт қилиш, иситиш системасини ювиш етарли даражада ўтказилди деб бўлмайди. Бу аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Турли муассасаларга қарашли уй-жой фондининг ҳам яна сифатли тайёрланиши, эшикларга пружиналар ўрнатиш, хоналарни иситиш ишларини тезроқ тугаллаш талаб этилади.

Шаҳарда 144 кўча, 106 километрли кўчаларни ёритиш тармоғи капитал ремонтдан чиқарилди. Белгиланган жойларга қум тўлдирилган контейнерлар қўйилди. Қор ортувчи, қум сочувчи махсус автомашиналар қиш шароитида ишлашга созлаб қўйилди.

Шаҳар пассажир транспорти хўжалигини қиш шароитида ишлашга тайёрлаш бўйича белгиланган тадбирлар асосан бажарилди. Контакт тармоғи ва 50 та подстанцияда профилактика ишлари ўтказилди. Барча трамвай-троллейбус деполарида подъезд йўлларни ремонт қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Айни пайтда айрим тадбирларни бажариш муддатлари бузиляпти. Район қозонхоналари корхонаси ва «Узбекгидроэнергострой» трести, «Чилонзор», «Сергели», шунингдек «Қорасув» кимёвий сув тозалаш қозонхонасидаги қозонларни фойдаланишга топширишни таъминлашмади. Штаб аъзоларининг қарори билан бу ишлар 25 декабргача бажарилиши зарур.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш бош бошқармаси, «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трести «Бешқайрағоч — 2» қозонхонасини кенгайтириш бўйича ишларнинг белгиланган муддатларини чўзиб юборишяпти. Қозонхона қурилишининг бориши Акмал Икромов районн қишга тайёргарлик бўйича штабининг назорати остига олинди.

Тошкент 1-уйсозлик комбинати турар жой массивидаги қозонхона ва иссиқлик тармоғини реконструкция қилиш тугалланмаган. «Шимолий-Шарқ» насос станцияси қурилишида иш суръати паст.

Ана шу камчиликларнинг барчаси турар жой массивларини иссиқлик билан таъминлашда қийинчилик туғдиради. Ахир қиш— қишлигини қилади ва унга жиддий тайёргарлик кўриш керак.

Штаб мажлисида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Ҳалилов қатнашди.

БУЮК ЖАСОРАТНИ ШАРАФЛАБ

Бундан 40 йил муқаддам мамлакатимизда Улуғ Ватан уруши бошланганида Москвадаги «Подъёмник» заводи Тошкентга кўчириб келтирилган эди. Ўшанда барча дастгоҳлар, ускуналар билан бирга бу корхонанинг ишчилари ҳам Тошкентда ишлаш учун келган эдилар. Шулардан бири Мария Викторовна Романовадир. У ҳозирда меҳнат ветерани. Куни кеча бу аёл СССР халқлари дўстлиги музейида Москва остоналаридаги буюк жасоратнинг 40 йиллиги муносабати билан ташкил этилган маросимда 1941-йил воқеаларини ҳикоя қилиб берди.

Музейга Ҳамза районидаги ўрта мактабларнинг ўқувчилари ташриф буюришди.

Гвардия офицери Петр Чирва, ветеран жангчилардан Николай Волков, Михаил Кулинич ва бошқалар ўша машаққатли кунларнинг шон-шуҳрати ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Тинчлик манфаатларини кўзлаб

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг Бухарестда бўлиб ўтган мажлиси социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тинчликсеварлигининг янги яққол исботи бўлди. Мажлис тамом бўлганидан кейин эълон қилинган ахборотда Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия вакиллари бундай дейишди: ҳозирги шароитда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашда, моддий ресурслардан ва илм-фан ютуқларидан одамларни қириш ва цивилизацияни вайрон қилиш мақсадида эмас, балки халқлар олдида турган социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этиш, уларнинг фаровонлигини ошириш, маданиятни равнақ топтириш манфаатлари йўлида фойдаланишда инсониятнинг ҳаётий эхтиёжларига мувофиқ вазминлик қилиш, ўз ҳаракатларини шунга қиёсан олиб бориш— ҳар бир давлатнинг олий бурчидир.

Жаҳон матбуоти Бухарест учрашувини юқори баҳолади. «Варшава Шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг учрашуви ўртоқ Л. И. Брежневнинг Боннга қилган муҳим визитидан бевосита кейин ўтказилганлиги бу учрашувга алоҳида аҳамият бахш этди,— деб ёзади Болгарияда чиқадиган «Работническое дело» газетаси. — Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олий даражадаги Совет— Ғарбий Германия учрашувининг аҳамиятини қайд этиш билан бир вақтда Совет Иттифоқининг ташаббусларини ва, аввало, Европадаги ядровий қуролларни камайтириш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Бу таклифлар ядро уруши хавфига қарши чиқаётган барча халқларнинг орзу-умидларига, кенг омманинг талабларига мос бўлиб тушади».

Америкадаги «Вашингтон пост» газетасининг уқтириб ёзишича, Бухарестдаги мажлис қатнашчилари ўз давлатларининг ўртача олисликка учадиган ядровий воситалар проблемаси юзасидан Совет— Америка музокаралари қайта бошланганлигига ижобий назар билан қарашларини билдирдилар. Францияда чиқадиган «Юманите» газетаси Бухарестда Европадаги ўртача олисликка учадиган ядровий воситалар проблемасини ҳал этишга ва шу тариқа иккала томон—Шарқ билан Ғарб—Европадаги объектларни мўлжалга олиб турган ўртача олисликка учувчи ядро қуролининг ҳамма турларидан воз кечишга яна даъват қилинганини мамнуният билан қайд этади.

Вакиллари мажлисда қатнашган давлатлар шунга аминдирларки, ижтимоий тузуми қандайлигидан қатъий назар, Европадаги ҳамма халқлар учун Европа умумий уйдир, деб таъкидлайди ГДРдаги «Нойес дойчланд» газетаси. Бу уй ҳеч қачон уруш ҳаракати майдонига айланмаслиги керак. Унда яшовчи ҳар бир киши тинчлик, мустақиллик, тараққиёт ва равнақ неъматларидан баҳраманд бўлиши лозим.

С. КУЛИК,
ТАСС шарҳловчиси.

Шаҳримиздаги ёғ-мой комбинати коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари адо этди ва пландан ташқари 900 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади.

СУРАТДА: илғор смена бошлиғи Ф. Эрматов ва цех бошлиғи Ҳ. Раҳматуллаев ҳамда оператор Ф. Мавлоновааларни иш устида кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

Меҳнатда камол топган

САРДОР

Тепасига «Партия комитети» деб ёзиб қўйилган эшикдан чиқиб, зина бўйлаб пастга кетарканман, хаёлим ҳозиргина партком секретари ўринбосари Николай Георгиевич Белозеровнинг: «У тажрибали ишчи, ташаббускор, корхонамиз машъалигина эмас, ёшларнинг меҳрибон мураббийси, қалби пок коммунист» деган сўзлари қулоқларим остида ҳамон жаранглаларди. Шу ўйлар оғушида замонавий типда қурилган бинонинг учинчи қаватидан тушиб, ҳовлига чиққанимни ҳам сезмай қолибман.

Цехга кирилганда, паст-баланд «фрезеровка» ва пармалаш дастгоҳларининг бўғиқ овозлари атрофни қамраганди. Уларнинг тепасида махсус кийимлар кийган, кўзларига ҳимоя кўзойнаклари таққан кишилар чаққонлик билан ҳар хил операцияларни бажаришяпти. Бу цехда бир неча марта бўлсамда. Муҳаммаджон Туробовнинг қайси участкада меҳнат қилишини билмасдим. Тўғридаги станокда қўли ишдан бўшаган ишчидан сўрадим:

— Кечирасиз, Туробов қайси участкада ишлайди?

— Йўлакдан тўғри бориб, темир будкадан ўтгач, чапга. Уни ўша ердан, топасиз.

Цех ичкарисига тобора кириб боракарканман, атрофдаги овозлар бир лаҳза кишини карахт қилгудек бўлади. Белгиланган жойга келиб бурилдим. Мендан ўн метр чамаси наридаги дастгоҳлар орасидан қалпоқ кийган баланд бўйли кишининг қомати кўринди. У қўлидаги деталнинг «махсус жой»га эҳтиёткорлик билан қўйди-да, ёнидаги кнопкани босди. Ярим автоматлашган пармалаш дастгоҳининг кўзга аниқ ташланиб турган олти тиғи шитоб билан айланиб, доира ҳосил қилди, қўйилган деталга тегиши билан эса, ишқаланиб ғалати овоз чиқа бошлади.

Ҳаракатлари жуда чаққон бу кишини дарҳол танидим. Муҳаммаджон акани 70-йилларда бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан чиққанини эшитгандим. Аммо ҳар чоқ мени бир нарса ўйлантирар: «Айрим ишчилар ғайрат билан ишлаб, смена топшириғини 20 —30 процент ошириб бажара олишади. Қандай қилиб Муҳаммаджон ака сингарилар икки беш йилликни дўндиришади? Улар ҳам барча сингари белгиланган иш соати, дастгоҳ, материалга эга бўлишса. Билмадим, илғорлар сардори бўлишнинг бирор сир-асрори бормикин?».

Мана, ўша меҳнат сардорларидан бирининг иш жараёнининг гувоҳи бўлиб турибман. Деворга яқин ўрнатилган бош конвейернинг стунлари орасидан ўтиб, унга яқинлашдим. Энди, узоқроқдан яхши кўринмаган «операция» бажариш жараёнининг айрим томонлари шундайгина олдимда кечаяпти. М. Туробов менга бир қаради-да, ишида давом этди. Иштиёқ билан ишлаётганини ҳаракатлари тасдиқлаб турарди. Одатда киши бирор ишга бутун вужуди билан шўнғиганда шундай ҳолатда бўлади.

Бу ерда у «Чирчиксельмаш» заводи қуйиб берадиган «Т28Х4М» маркали тракторларнинг олдинги ғилдираги вилкасининг сўнгги 3 хил «операция»сини амалга оширади. Ваҳоланки, ҳар бир вилка тайёр бўлгунча етти хил ишловни талаб этади. Муҳаммаджон акага силлиқланиб, резба очишга узатилган вилкаларни чап томондаги ҳамроҳи— Василий Нехорошкин етказиб бераяпти.

Тўпланиб турган беш-олтита деталлардан бири кўтарилиб, бўшатилган станок остига қўйилди. Афтидан, вилка оғир бўлса керак, кўтарганда Муҳаммаджон аканинг гавдаси бир оз олдинга эгилиб, бўйин томирлари таранглашди. Биринчи дастгоҳда деталнинг тепа қисмида олти резба чиқарилса, иккинчисида болтларни маҳкамлашга махсус доирачалар ва ниҳоят, учинчи станокка қўйилган маҳсулотнинг икки томонидан пармаланиб, яна олти кичик ҳажмли резбалар ўйилади. Бу уч «операция» эҳтиёткорлик талаб этса керак, Муҳаммаджон ака жуда синчковлик билан ишлаётганди. Шуларни кузатарканман, участка мастери Олег Федоровнинг келганини ҳам сезмай қолибман. Ундан М. Туробов иши ҳақида сўрадим.

— Аввало, жуда тартибли ишчи, қолаверса, меҳнатда уни коллективимизнинггина эмас, балки корхона сардори, деса арзийди, — мастер гапираркан бир неча бор Туробов томонга қараб олди. — шижоатини айтмайсизми! Бирор кун йўкки, смена топшириғини бажармаган бўлсин, бир ярим ҳисса бажариш унинг учун минимум натижадир. Бировга ёрдам керак бўлса марҳамат, қўлдан келганича кўмаклашади.

— Ютуқларининг боиси нимада?

— Албатта, ҳар қандай нарса қуруқ жойда юзага келмайди. Шундай нарсалар бўладики, йиллаб ўз камолотига замин ҳозирлайди, парвозга шайланади. Бу ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида тер тўкаётган ишчиларга ҳам хосдир. Ютуқлар қаердан юзага келади? Ҳар қандай меҳнат ҳам ютуқлар гарови бўлавермайди. Асосийси, бутун куч, вужуд бир нарсага қаратилмоғи лозим. Унга яхшигина тажриба қўшилса, айни муддао. Яъни, йўналиш ўта аниқ бўлсин. М. Туробов меҳнатида сўзларим исботини кўраман. Ундаги иштиёқ, тажриба, йўналиш аниқлиги ютуқларининг заминидир.

Мастер дона-дона гапираркан, ҳар бир сўзи чертилган, қалб тўрида асраб, қўйилгандек эҳтиросли чиқарди. О. Федоров билан иш жараёнини бир оз кузатдик-да, смена тугашига хийла вақт борлигини ҳисобга олиб, цех парторги билан учрашишга қарор қилдим.

Ташқарига чиқиб, цех корпусига туташ бинонинг иккинчи қаватига кўтарилдик. Мастер мени Виктор Сотниковга таништириб, ўзи участкага қайтди. Парторг мақсадимни тушуниб, сўз бошлади:

— Бу ишчи ҳақида гапиришдан олдин шуни айтиш кераки, шундай киши коллективимизда меҳнат қилаётганидан ғурурланаман. Чунки жонажон партиямиз XXVI съездида қатнашган беш минг делегатнинг биттаси коллективимиз вакили — Муҳаммаджон Туробов эди. У бунга ўзининг садоқатли, ҳар бир ишчи ўрнак олса арзийдиган жўшқин меҳнати туфайлигина эришди. Мана, унинг партия аъзоси бўлганига 15 йил бўлди. Ўтган шу йиллар унинг меҳнат ютуқларига тўлиқ. У ўзига талабчан коммунист сифатида съезддан қайтибоқ янги илҳом билан ишга киришди. Ҳозир беш йилликни — уч ярим йилда бажариш ташаббуси билан чиққан М. Туробов ваъдасини бажариш йўлида жонбозлик кўрсатяпти...

Парторг сўзида давом этаркан, юзи гоҳида жиддийлашиб, ҳар гапининг охирида тасдиқ маъносида қўлидаги ручкасини столга секин уриб қўярди.

— Бир оғиз сўз билан айтганда, уни меҳнатда камол топаётган киши, дейиш мумкин. Жамиятимизда киши ўз меҳнати билан иқбол топишини яъни меҳнат ҳар қандай бахтнинг бош мезони эканлигини у яхши тушунади. «Меҳнатинг — зийнатинг», деганлари шу бўлса керак.

Цехга қайтганимда, ишчилар бирин-кетин станокларини тўхтатиб, сменани тугатишаётган эди. 1-участканинг нариги бурчагига бориш учун турли деталларни бўёқлаш корпуси томон елкалаб кетаётган конвейер бўйлаб кетдим. Рўпарамда Муҳаммаджон аканинг дастгоҳлари. Фақат кичик резба ўядиган дастгоҳ назаримда сўнгги вилкани пармалаяпти. Унинг ўзи эса ҳозиргина тўхтатилган икки станогини темир кукунлардан тозалаяпти. Унга яқинлашдим. Мени кўрди-ю, қаддини ростлаб, ўгирилди.

Хаёлимдан партком ўринбосари Н. Белозеров билан бўлган суҳбат ўтди: «...1960 йил эди. Эндигина ишга келган Муҳаммаджон баланд бўйли, қотма, чайир йигит эди. Бошидаги қалпоғини сира ташламасди...»

Ҳозир эса қаршимда ўша тажрибасиз, ориқ йигит эмас, савлат тўккан, ҳар ким ҳавас қилса арзигудек касб-корли ишчи турарди.

Муҳаммаджон акага кўпдан бери ўйлаб юрган саволимни бердим.

— Айтингчи, кишилар бир беш йилликда икки беш йиллик ташаббуси билан чиқишади. Қандай қилиб буни уддалаш мумкин?

— Даставвал, ташаббус билан чиқувчилар бирор нарсага ишонадиларки, ваъда беришади. Кимдир ўз қобилиятига таянса, бошқаси иш юритишни мукаммал эгаллаган бўлади. Халқимиз бундайларни «иш кўзини биладиган»лар дейишади. Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, иш соатимнинг ҳар бир минутини ғанимат биламан. Чунки дақиқалар ҳам киши ҳаётининг бир бўлаги. Албатта, бунда иштиёқ ва тажриба уйғунлиги ажралмас ҳолатдир.

Бу сўзларни эшитиб, Муҳаммаджон аканинг бир неча дақиқа бурунги иш жараёни кўз ўнгимдан ўтди.

— Йигирма йилдан ортиқ шу коллективда меҳнат қиляпсиз. Бу орада қандай ўзгаришлар бўлди?

— Мен ишга келган пайтларда цех «ГАЗ—53» автомашинасига эҳтиёт қисмлар ишлаб берарди. 1968 йилдан бошлаб «Т28ХЧМ» маркали трактор қисмларини ишлай бошладик. Цех кенгайиб, янги дастгоҳлар олинди. Менинг ўзим олдин фрезерчи, сўнг кадрлар етишмовчилиги сабабли, созловчи бўлиб ишладим. Бу ҳозирда ярим автоматлашган пармалаш станогидаги иш унумини ошираяпти. Чунки дастгоҳ бузилиб қолса, созловчи ҳам ўзим, ишловчи ҳам. Демоқчиманки, ҳар бир ишчи ўз станогидагина эмас, бошқаларида ҳам бемалол ишлай олсин. Бу, кишини «универсал» ишчига айлантиради, иш соатидан ўринли фойдаланиш имконини беради.

— КПСС XXVI съезди ҳаётингизда қандай из қолдирди?

— Ҳаётидан мамнун ҳар бир кишининг энг бахтли дамлари бўлади. Мен учун энг ёдда қоларли дам — қўлимга XXVI съезд делегати мандатини олганимда юз берди. Ўзимча, наҳотки мендайин оддий ишчи мамлакатимиз ҳаётини таҳлил қиладиган катта анжуманда қатнашса, деб ўйлайман. Бундай улуғ йиғинларда иштирок этиш ҳар бир коммунистнинг юксак орзуси бўлса керак. Съезд кунлари хотирада абадий сақланадиган давр бўлди.

— Ҳозирги меҳнат суръатларингиз қандай?

— Тракторнинг 43 килограммли олдинги вилкасидан ҳар куни 60та ўрнига 100тадан тайёрлаяпман.

Цехда яна станокларнинг гуриллаши бошланди. Иккинчи смена ишини бошлаганди. Муҳаммаджон ака билан хайрлашарканмиз, унинг савлат тўкиб турган уч дастгоҳига қараб қўйдим. Уларда фақатгина Муҳаммаджон акадек саботли, ишдан қочмайдиган, асл коммунистларгина ишлай олиши мумкин...

Ҳа, СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи 7-механика цехининг созловчиси Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ҳамда КПСС XXVI съезди делегати Муҳаммаджон Туробов ана шундай олижаноб қалб эгаси. М. Туробов ҳозиргача 40 га яқин шогирд тайёрлади. Уларнинг кўпчилиги у билан бир сафда меҳнат қилишмоқда.

Корхона фахри — илғорлар сардорининг кўкрагини Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ҳамда Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмаси (ВДНХ) нинг олтин медали безаб турибди.

Ғ. РАЗЗОҚОВ,
СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг ишчиси.

Нон—бебаҳо бойлигимиз

ОИЛАДА ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

Ризқ-рўзимиз нонни тежаб-тергаш ҳақида матбуотда қимматли фикрлар билдирилмоқда, яхши маслаҳатлар ўртага ташланмоқда. Чиндан ҳам тўқликка шўхлик қилиб, нонни исроф қилиш, уни ахлатга қўшиб ташлаш, молларга бериш, тўйларда керагидан ортиқча ёпиш ва синдириш каби ҳодисаларга жамоатчилик бефарқ қараб турмаслиги керак.

Собир Раҳимов районидаги биз истиқомат қилаётган «Дўстлик» маҳалласида ҳам «Нон — бебаҳо бойлигимиз, ундан тежаб-тергаб фойдаланайлик» мавзуида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, хизматчилар, ўқитувчилар сўзга чиқишди. Улар бебаҳо бойликни оилада тежамкорлик билан ишлатиш ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Маҳалламизда олиб борилаётган бундай тарғибот ишлари яхши самара бермоқда. Эрта билан келган «Автодормехбаза» машинаси ёнида кузатиб турсангиз, ҳеч бир челакда нон бурдасини кўрмайсиз. Мабодо бирор хонадонда ортиқча нон қолган бўлса целлофан халтага солиб, уни шофёрга беришади. Шофёр эса уни алоҳида ажратилган жойга қўяётганининг гувоҳи бўласиз. Маҳалламизда бўлаётган тўйлар ҳам ортиқча исрофгарчиликсиз ўтмоқда.

Мен Тошкентдаги 26-алоқа бўлими мудири Шукур ака Жўраевнинг уйларида тез-тез бўлиб тураман. Уларнинг оилавий дастурхони ҳамиша тўкин бўлади. Дастурхонга юмшоқ нонлар қатори қотирилган кулча нон, гоҳо талқон ҳам келтирилади. Шукур ака: «ахир, қотган нон инсон учун даво-ку» дейдилар. Демак оилада нондан тўғри фойдаланишнинг бир нечта усуллари бор бўлиб, катта ёшдагилар кичикларга маслаҳатгўй бўлишса айни муддао бўлади. Қотган нон ва талқонни мисол келтиришдан мақсад, мана шу оилада ҳар куни, ҳар ой ва йилда қанчадан-қанча нон иқтисод қилинаётгани маълум бўлади. Шу боисдан ўз меҳнатимиз туфайли яратилаётган бебаҳо бойлигимизни аввало оилада тежаб-тергайлик, унинг ортиқча сарф бўлишига сира ҳам йўл қўймайлик.

И. УСМОНОВ.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-цехининг А. Абдушоҳидов бош бўлган бригада ишчилари чигит экиш сеялкалари йиғиш ойлик топшириқларини ҳамиша муддатидан илгари адо этишмоқда.

СУРАТДА: навбатдаги сеялкалар туркумини тайёрлаш пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ЎҚУВЧИЛАР ҚИЙНАЛМОҚДА»

Гвардейская кўчасининг нобоплиги шу сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Киров район ободонлаштириш бошқармасидан олинган жавобда кўрсатилишича, кўча ремонт қилиниб, тартибга келтирилган.

«ҲАММОМДАГИ ТАРТИБСИЗЛИК»

Бешқайрағочдаги айрим ҳаммомларнинг нобоплиги, ремонтталаблиги юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидан олинган жавобда кўрсатилишича, 28-ҳаммомнинг барча филиаллари капитал ремонтдан чиқарилди. Буғхона ёғочдан ишланди, мебель ва бошқа инвентарлар билан таъминланди. Санитария ҳолати яхшиланди. Газета материали 3-ҳаммом-кир ювиш комбинати коллективи ўртасида муҳокама этилди.

«ДАРАХТКЕСАР «ҲИМОЯЧИЛАР»

Бу сарлавҳали материалда Мирза Ғолиб кўчасида дарахтлар бекорга кесилаётгани танқид қилинган эди.

Шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасидан қуйидаги жавоб олинди: Мирза Ғолиб кўчасидаги айрим дарахтлар касалланиб, бошқа дарахтларга ҳам юқиш хавфи бўлгани учун ўсимликларни ҳимоя этиш станцияси йигирма саккиз қуриган ва касалланган дарахтни кесди. Текшириш натижасида бу кўчада ноўрин кесилган дарахтлар йўқлиги аниқланди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Бу ерда «шимол-жануб» автомобиль магистрали шимолий участкаси фойдаланишга топширилди. У муддатидан тўрт ой илгари битди. Энди транспорт 20 минут ичида шаҳарнинг бир неча қатор трассаларидан тўхтамай ўтиб кета олади. Бу трасса пойтахтнинг жанубида Прага — Братислава автомобиль йўлига келиб қўшилади.

Магистрал шаҳар ва шаҳар атрофидан кесиб ўтувчи транспорт ҳаракатини тезлаштиришга, ҳаракат хавфсизлигини оширишга имкон берди. Чехословакия пойтахтини ривожлантириш бош планига мувофиқ юк автомобиллари учун махсус яна иккита асосий трассани қуришга киришилди. Улар бу шаҳарнинг шарқий ва ғарбий чеккаларини айланиб ўтади ва Прага транспорт муаммосини ҳал этишга имкон беради.

* * *

ПАРИЖ. Пойтахтнинг 20-округ кўчаларидан бирига атоқли француз рассоми Фернан Леже номи берилди. Франция пойтахти муниципал кенгаши рассом туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш юзасидан шундай қарор қабул қилди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. Шаҳар кўчалари янги йил арафасида йиғиштириб олинмаган ахлатлар билан «безанди». Бу ерда кўча супурувчилардан 2 минг кишининг забастовкаси давом этмоқда. Хусусий компания АҚШда кун кечириш қимматлашганлиги муносабати билан уларнинг иш ҳақини ошириш ҳақидаги талабларини қондиришдан бош тортмоқда.

Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳри транспорт системаси катта молиявий қийинчиликни бошдан кечирмоқда.

Яқин орада шошилинч чоралар кўрилмаса, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, 1982 йилнинг июль ойига бориб, маблағ йўқлиги туфайли Филадельфия районида шаҳар атрофи поездларининг қатнови тўхтаб қолади.

* * *

ТОКИО. Япония пойтахтидаги уй-жой биноларининг деярли 14 процентн энг оддий санитария талабларига жавоб бермайди. Миллий ер агентлигининг докладида шу ҳақда гапирилади. Бу биноларнинг ярмидан кўпи капитал ремонтга муҳтож. Бутун кун бўйи бу уйларга қуёш тушмайди.

* * *

ЯУНДЕ. Камерун пойтахтида шаҳарни кўкаламзорлаш кампанияси бошланди. Шаҳар маҳкамаси биноси олдида тантанали вазиятда дастлабки дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Яундани қуриш ва реконструкциялаш бош планига мувофиқ шаҳарда жамоат боғлари барпо этиш, катта йўлларни кўкаламзорлаш белгиланди. Ҳаммаси бўлиб 20 минг туп ҳар хил дарахт кўчатлари ўтқазилади.

АРАБ ХАЛҚЛАРИГА ТАҲЛИКА

БАЙРУТ. Фаластин қаршилик ҳаракатининг раҳбарлари Вашингтон билан Тель-Авив ўртасида «стратегик ҳамкорлик» тўғрисида тузилган битимни кескин қораладилар. Қаршилик ҳаракати расмий вакилининг бу ерда тарқатилган баёнотида уқтириб ўтилишича, бу битим қандай ёлғон шиорлар билан пардаланмасин, региондаги барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳлика солади. Бу битим Исроилнинг агрессивлигини ва унинг Араб миллатига солаётган хавф-хатарини беқиёс кўпайтиради. Бунга қарши турмоқ учун, деб таъкидланади баёнотда, Фаластин қаршилик ҳаракати Араб мамлакатларини янги агрессив иттифоқ қатнашчиларига қарши курашга бутун куч-ғайратни сафарбар қилишга чақиради. Шу муносабат билан Фаластин қаршилик ҳаракатининг расмий вакили қўшилмаган давлатлар билан ҳамда араб халқларининг одилона курашини изчиллик билан қўллаб-қувватлаб келаётган Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳамда ривожлантиришга чақирди.

ПЕКИН АГЕНТЛАР ЮБОРМОҚДА

ЖАКАРТА. Индонезия бош прокурори Исмоил Солиҳнинг парламентда айтган гапига қараганда ғайриқонуний йўл билан шу мамлакатга кириб олган хитойларни жойлаштириш учун ҳукумат алоҳида орол ажратишга тўғри келмоқда.

Кейинги вақтларда Пекин Жануби-Шарқий Осиё давлатларига ўз агентларини кўплаб юбора бошлади. Чунончи, ҳозир Индонезиянинг суд органлари қалбаки ҳужжатлар билан мамлакатга суқилиб кирган 1500 га яқин Хитой гражданинининг ишини кўриб чиқмоқда. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг матбуоти Хитойнинг махсус маҳкамалари регионга ўз агентларини жойлаштириб олиш учун «қочоқлар» оқимини уюштирганини неча марталаб уқтириб ёзди. Малайзияда чиқадиган «Нью стрейж таймс» газетасининг далолат беришича, бу агентларнинг вазифаси айғоқчилик маълумотларини тўплаш оилангина иборат бўлиб қолмасдан, ҳукуматга қарши турли-туман гуруҳларнинг қупорувчилик фаолиятига бошчилик қилиб туришдан, регион мамлакатларида яшаб турган Хитой миллатига мансуб кишилардан ўзига хайрихоҳ гуруҳларни тузишдан ҳам иборат.

Флоренция— жаҳонга маълум ва машҳур бўлган Марказий Италиянинг йирик шаҳарларидан биридир. Саноат маркази ва мамлакатнинг йирик маданий марказларидан бири бўлган бу шаҳар ўзининг гўзал манзараси билан тобора туристлар диққатини жалб этмоқда.

СУРАТДА: Флоренция кўчаларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

ОҚИЛОНА ОГОҲЛАНТИРИШ

НЬЮ-ИОРК. Вашингтоннинг Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқни тўхтатишга қаратилган сиёсати, бу йўлга камситувчи тусиқлар қўйиш айланиб келиб, пировард оқибатда Қўшма Штатларнинг ўз манфаатларига муқарар зарба уради. АҚШдаги «Рэнд корпорейшн» деб аталган мўътабар тадқиқотчилик ташкилоти маъмуриятнинг Америка-Совет савдо-иқтисодий муносабатлари соҳасидаги сиёсатини таҳлил этиб, мана шу хулосага келди.

Ташкилот мутахассислари мудофаа министрлигининг буюртмаси билан тайёрлаб берган маълумотномада Оқ уй Американинг СССРга экспортини, жумладан замонавий технология етказиб беришни янада кўпроқ чеклаши Қўшма Штатларнинг сиёсий ва молиявий манфаатларига қаттиқ зарба урган бўлур эди, деб таъкидланади. Бу чора Америка компанияларига салбий таъсир қилади, чунки улар СССР билан нормал савдо-иқтисодий муносабат боғлаб турган Ғарб мамлакатларининг фирмаларига нисбатан «ноқулай аҳволга» солиб қўйилади.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

БУХАРЕСТ. Руминияда юзлаб корхоналар чиқиндисиз ишлашга ўтди. Чиқиндиларни ва иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш республика саноатининг мустақил тармоғи бўлиб қолди. Беш йиллик (1981-1985 йиллар) планида саноатнинг шу тармоғи халқ хўжалигининг хом ашёга бўлган талаб-эҳтиёжининг 40-50 процентини таъминлайди.

Руминияда аҳолидан олинадиган, саноатда қайта ишлатишга яроқли иккиламчи хом ашёнинг миқдорини олдиндан белгилашни йўлга қўйдилар. Масалан, ҳозирги беш йилликда аҳоли истеъмол қилиб бўлган 1 миллион 800 минг квадрат метр газлама, 410 миллион жуфт пойафзал, 5,5 миллион дона автомобиль покришкаси, кўп миқдорда қоғоз, ойна ва бошқа буюмлар қабул қилиб олинишини ҳисоблаб чиқилди.

∵ ∵ ∵

ДАМАШҚ. Бу ерда Сурия Араб Республикаси президентининг мамлакат ҳукуматини қайта тузиш тўғрисидаги декрети эълон қилинди. Кабинетга яна Абдул Рауф Қосим бошчилик қилади. Абдил Ҳалим Ҳаддам унинг ўринбосари ва ташқи ишлар министри бўлиб қолди. Мустафо Тилаш мудофаа министри лавозимида қолди. Ҳукумат составига янги тўққизта министр киритилди.

Ҳукуматда иккита ўрин: коммуникация министри ва лавозимсиз давлат министри ўрнини Сурия коммунистлари эгалладилар.

∵ ∵ ∵

БАМАКО. Куба Компартияси делегациясининг Мали Республикасига қилган визити Куба билан Мали ўртасида муносабатларни янада ривожлантиришга, Куба Компартияси билан Мали Халқ Демократик Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга бағишланди. Визит якунлари юзасидан бу ерда эълон қилинган қўшма ахборотда шу ҳақда гапирилади. Томонлар ер юзида халқлар ўртасида тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тарафдори эканликларини билдирдилар. Улар Куба Республикасининг суверенитети ва территориал бутунлигига таҳдид қилаётган АҚШ империалистик доираларининг агрессив кирдикорларини қораладилар.

Куба Компартияси делегацияси Мали Халқ Демократик Иттифоқи делегацияси билан музокаралар олиб борди.

РИВОЖЛАНИШНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ

БЕРЛИН. Саноатнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада ошириш — шу беш йилликда ГДР экономикасини ривожлантиришнинг бош йўналишидир. ГДР халқ палатасининг сессиясида якдиллик билан қабул қилинган 1981-1985 йилларда республика халқ хўжалигини ривожлантириш плани ва 1982 йилги халқ хўжалик плани тўғрисидаги қонунлар шундан далолат беради.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида қардош мамлакатлар билан, аввало Совет Иттифоқи билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш ГДРни самарали ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шарти эканлиги халқ палатасининг сессиясида таъкидлаб ўтилди. СССР билан ГДР ўртасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашнинг 1990 йилгача мўлжалланган программасини изчиллик билан рўёбга чиқариш алоҳида аҳамиятга эгадир.

ГДР халқ хўжалигини ривожлантириш планига биноан мамлакатнинг миллий даромади беш йиллик охирига бориб, 1980 йилга нисбатан 28 процент кўпайиши, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам шунча миқдорда ошиши лозим.

ТАШВИҚОТЧИЛИК НАЙРАНГИ БАРБОД БЎЛДИ

ВАШИНГТОН. Пойтахтдаги «Шератон» меҳмонхонасида қарияларга доир ишларга бағишланган конференция тугади. Шу анжуманни ташкил этишга жазм қилган АҚШ маъмурияти уни кекса американиклар тўғрисидаги қалбаки «ғамхўрлик»ни намойиш қиладиган ташвиқотчилик найрангига айлантиришга зўр бериб уринди.

Бироқ, Си-Би-Эс телекомпанияси уқтириб айтганидек, ҳамма макру хийлаларга қарамай, маъмурият «ўз иродасини конференцияга қабул қилдира олмади». «Шератон» меҳмонхонаси залида оддий американикларнинг ризқи эвазига мислсиз қуролланиш пойгасини авж олдираётган Вашингтоннинг халқ манфаатларига зид милитаристик йўлини танқид қилувчи ғазабли сўзлар айтилди.

Конференция делегатларининг катта бир группаси «пул қуролланишга эмас, балки социал эҳтиёжларга сарфлансин!» деган шиор остида Оқ уй ёнида намойиш ўтказди. Улар тарқатган баёнотда, жумладан, бундай дейилади: «маъмурият қуролланиш пойгасини кучайтираётганлиги уруш хавфини анча кўпайтирмоқда, пулнинг қадрини баттар пасайтирмоқда, бюджет камоматини чуқурлаштирмоқда. Рейганнинг солиқ программаси — корпорациялар ва бойларга совғадир. Бу йўлга қарши курашиш учун куч-ғайратни сафарбар қилиш зарур».

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

УЗОҚ УМР СИРЛАРИ

КЕКСАЛИК — ХАСТАЛИК ЭМАС

Геронтология — медицина-биология фанларининг бир бўлими бўлиб, тирик организмларнинг, шу жумладан одамнинг қариш жараёнини ўрганадиган илмдир. Ҳозирги замон геронтология ютуқлари қаришнинг асосий жараёнини кўрсатиб, кексайган кишиларнинг меҳнат қилиши, овқатланиши, дам олишини мақсадга мувофиқ ташкил этиш, социал ва медицина ёрдами беришнинг рационал формаларини қидириб топишга қаратилган.

Октябрь революциясига қадар Россияда ўртача умр кўриш 32 йил эди, холос. Ҳозирги вақтда бу қариййб икки баравар ошди. Эркаклар умри 70 йил, аёллар умри 74 йил бўлди. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги бу фарқ, асосан эркаклар касбининг характери ва травматизмлигига, ичкилик ва чекиш сабабларига боғлиқ. Одам умрининг бу катта ўзгаришлари геронтологиянинг ривожланишини тақозо қилди. Ҳозирги замон фани, қарилик ва ўлим яшашнинг муқаррар босқичларидир деб таъкидлайди. Ф. Энгельс яшаш — ўлиш демакдир, деб ёзган эди. Қариш ҳам ўлим каби муқаррар. Аммо қаришда ҳам қариш борда.

Олимлар организмнинг қариш сабабларини тушунтириш учун 300 га яқин тахмин қиладилар. Бир гепотезада қариш жараёнини молекуляр — ирсиятга, бошқасида ҳужайра, учинчисида — қўшувчи тўқима ва нерв системасининг ўзгаришларига боғлаб кўрсатилади. Қаришнинг икки тури: бири соғлом, табиий физиологик қариш ва иккинчиси барвақт, патологик қариш борлиги аниқланган. Одамда қарилик аломатлари ҳамма вақт ҳам бир хил кўринишда ва маълум бир ёшда юзага келавермайди. Венгер қироли Людовик II йигирма олти йил умр кўрган у шу ёшгача болаликни, ўспиринликни, йигитликни, қариликни бошидан кечирган, жуда мункиллаб қолиб, оламдан ўтган.

Кишининг соғлиги ва ёшлиги ўз қўлида. Қариб ҳолаяпман деб хавотирланиш керак эмас. Доимо ёш бўлишнинг биринчи шарти шудир.

Меҳнат кишининг соғлом ва узоқ умр кўришининг асосий шарти. Ортиқча чарчагунча, ҳолдан тойгунча ишлаш ярамайди, меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил этмоқ лозим. В. И. Ленин «Ҳордиқ чиқаришни билмайдиган одам ишлашни ҳам билмайди», деган эди. Дам олганда ҳам актив дам олиш керак, яъни сайр қилиш, волейбол ўйнаш, қайиқда сузиш, спорт ва ҳоказолар билан шуғулланиш керак. Кекса одам бир мунча енгил, ўзи қизиққан иш билан машғул бўлиши лозим. Қариялар ўзи севиб қилган иш кайфиятини яхшилайди, чарчатмайди, аксинча тетиклаштиради, яшартиради. Пенсияга чиқиш вақти-соати ёшга қараб эмас, балки кекса кишиларнинг соғлигига, касбининг характерига қараб бўлиши керак.

Кексалик дардига муолажани кексайганда эмас, балки ҳийла барвақт бошлаш даркор, чунки кечиккан тадбирнинг, афсуски нафи бўлмайди. Ҳеч нарсани меъёридан оширмаслик керак: кўп овқат ейиш ҳам, кўп ичиш (ҳатто сувни) ҳам, ортиқча исиб кетиш ҳам, совқотиш ҳам зарарли. Бунда юракка ва бутун организмга ортиқча юк бўлади. Кексаларга сутли овқатлар, сабзавот ва мевалар, уларнинг шарбатлари, мол ёғлари ўрнига ўсимлик ёғлари тавсия қилинади. Овқатланиш тартибига келганда, япон мақолига амал қилса ёмон бўлмайди: «Нонуштани ўзинг қил, тушликни дўст билан баҳам кўр, кечки овқатни душманингга бер», — дейилади.

Луқмони ҳаким ўз яқинларига: «соғ бўлай ва қаримай десангиз, йилда бир бор сурги қилинг, шаҳватга берилманг, ҳафтада ҳаммомга тушинг», дер экан.

Ичкилик ичишга келганда эса, кўп ичиш ярамас одатгина эмас, балки бир қадаҳнинг ҳам катта зиён етказишини эсда тутмоқ лозим. Чекиш соғлиқнинг ашаддий душмани эканлиги ҳаммага маълум. Тамаки тутуни таркибида никотин, радиоактив модда — полоний ва организмга зарарли таъсир кўрсатувчи бир қанча кимёвий моддалар бор. Чекиш фақат чекувчини эмас, унинг атрофидаги кишиларни ҳам заҳарлайди. Тамаки тутуни болалар учун айниқса зарарли.

Бизнинг Тошкент медицина институти 2-даволаш факультетининг, факультет хирургия кафедраси ходимлари бир неча йиллардан бери кексаларда хирургик касалликларнинг пайдо бўлиши, ўтиши, уларни даволаш ва олдини олиш соҳасида бир қанча илмий ишлар олиб бормоқдалар.

Тажриба ва илмий кузатишлар шуни кўрсатдики, ўткир хирургик касалликлар қарияларда ёшларга нисбатан оғирроқ ўтади, ўлим эса 3—5 марта кўпроқ учрайди. Кексалар организми активлигининг сустлиги, диагностиканинг қийинлиги ва иккаламчи касалликлар асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Уларда морфологик ўзгаришларга нисбатан, аксарият хирургик касалликларнинг клиникаси суст кечади.

Қариялар кўпинча ўзларича даволанишга ҳаракат қилишади. Шу сабабли врачга кеч мурожаат этишади. Ҳозирги пайтда нафас ва қон-томир системасини ҳисобга олган ҳолда хирургик касалликларни даволаш усуллари, қисқа давом этадиган енгил операциялар мавжуд бўлиб, улар практикага кенг жорий этилмоқда. Ўз билгича даволанмасдан вақтида врачга мурожаат қилинса, касалликнинг олди олинади ва даволаш шунчалик енгил ўтади. Буларнинг ҳаммаси бажарса бўладиган ва асосан ўзимизга боғлиқ нарса. Турмушни қизиқарли, ширин ўтказиш ҳам фақат ўзимизга боғлиқ, бу эса навқиронлик ва узоқ умр кўришга имкон беради.

Р. НУРМУҲАМЕДОВ,
профессор.

С. АЛИМУҲАМЕДОВ,
ординатор-хирург.

ШИФО МАСКАНЛАРИДА

МАРОҚЛИ УНИВЕРСИТЕТ

Киров районидаги 31-марказий поликлиника «Марказ — 4» микрорайонига жойлашган бўлиб, у 60 мингдан зиёд аҳолига медицина хизмати кўрсатяпти. Юздан ортиқ малакали шифокор ва ҳамширалар беморларга намунали хизмат қилишяпти. Шу поликлиника қошида жамоатчилик асосида ташкил қилинган «Саломатлик университети» ўн икки йилдан бери ибратли ишлаб келяпти.

Университетда ўқиш икки йил давом этади. Ҳозиргача уни 500 дан ортиқ тингловчи битириб, махсус дипломлар олдилар. Университет машғулотлари қатъий план асосида олиб борилади. Ҳар бир тингловчи ўқув планининг мазмуни ёритилган абонементга эга. Дарс ўтиладиган хона доимо техника воситалари, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган бўлади. Университетнинг иш фаолиятини акс эттирувчи кўргазма ва альбом ҳам диққатга сазовор. Университет машғулотларига фан докторлари, фан кандидатлари ва тажрибали шифокорлар жалб этилган. Поликлиникага қарашли 13 та корхона ва болалар муассасаларида ҳам тегишли суҳбат ва лекциялар олиб борилмоқда.

Турли касб эгаларидан ташкил топган юздан ортиқ киши университетга иштиёқ билан қатнашиб, ҳозирги замон медицина янгиликлари билан танишиб бормоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

● ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

ЯНГИ УСУЛ АФЗАЛЛИГИ

Статистика маълумотларига қараганда, ер юзидаги аҳоли тўртдан бир қисмининг кўзи ожиз экан. Уларнинг аксарияти эса ёшлар. Кўриш қобилиятининг пастлиги туфайли улар баъзи касбларни эгаллаш имкониятидан маҳрумдир. Айрим ҳолларда эса уларга анъанавий кўзойнак ёки контакт линзалар ҳам ёрдам бермайди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Бутуниттифоқ кўз касалликлари илмий-тадқиқот институтида СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони профессор Михаил Михайлович Краснов бошчилигида узоқдан кўриш қобилияти сусайган беморларга хирургия йўли билан ёрдам беришнинг янги методи ишлаб чиқилди. Мазкур операцияни унинг муаллифлари — ортокератотомия деб аташган. Бу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, у бир мунча содда бўлиб, кам жароҳат қолдиради. Бутун операция ўн-ўн беш минут давом этади.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) — профессор О. В. Груша, медицина фанлари кандидати С. Э. Аветисов, академик М. М. Краснов ва аспирант В. Д. Мамиконян. Улар ана шу янги методни ишлаб чиқишда иштирок этишган.

В. Христофоров фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

● БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

УЗУКНИ ТЎҒРИ ТАНЛАНГ

Чиройли, бежирим, кичикроқ узук тақиб юриш, айниқса аёллар қўлига ярашади. Ҳозир эркаклар ўртасида ҳам узук тақиш мода бўлган. Никоҳ узукларини танлаганда бармоққа мосини олиш керак. Акс ҳолда кўп ўтмай бармоқда қон юриши қисилиб, шиша бошлайди. Шунинг учун узукни вақти-вақти билан ечиб қўйиш зарур. Кир ювиш, идиш ювиш пайтларида, уйқуга ётиш олдидан узук ечиб қўйилса, бармоқлар дам олади, қон айланиши яхшиланади.

Узук қўлга мос бўлмаса, қўл касаллиги, яъни бармоқлар шишиши бошланади, узук бармоқни қиса бошлайди. Одатда бундай вақтда бармоқларга совун, ёғ, вазелин суриб, узукни бир амаллаб бўшатишади. Агар узукни бармоқдан чиқариш иложи бўлмаса, тезда хирургга учрашиш керак.

Баъзан бармоқдаги узук оғир жароҳат ҳам келтириб чиқаради. Бундай ҳол айниқса қурувчи-бинокорларда учрамоқда, чунки улар иш вақтида бармоқдан узукни олмай ишлашади. Натижада ҳар хил нарсалар узукка илинади, бундай узук бармоқни шилади, ҳатто кирраси суяккача бориб етади. Бундай ҳол юз берганда жароҳат авж олиб кетмасидан тезда даволаниш керак.

Бармоқни қисиб, ҳеч чиқмайдиган узукни баъзилар заргарга ёки тиш докторига олиб бориб кестирадилар. Биз бармоқдан узукни чиқаришнинг икки хил усулини тажрибада аниқладик.

Биринчи усул: узук бармоқни қисиб қолганда йўғонроқ ип олиб, уч-тўрт қаватлайсиз, кейин бармоқ учидан то узуккача ипни секин-секин ўраб борасиз сўнг ип учини узук тагидан ўтказиб, бармоққа ипни яна ўрайсиз. Шундан кейин бармоқни қисиб турган узукни ип устидан осонгина чиқариб олсангиз бўлади.

Иккинчи усул: узук бармоқни қаттиқ қисганда қўлни иссиқ сувда совунлаб яхшилаб ювасиз, рентген плёнкасидан эни 0,8—1 сантиметр, узунлиги эса 5—6 сантиметр лентачалар қирқиб, бармоқнинг устиостига ва икки ёнига лентачани қўйиб, узук тагига охиста ўтказасиз. Узук силлиқ лента устидан осонгина сирғалиб чиқади.

Бармоқни қисган узукни ҳар қандай йўл билан чиқариб олганда ҳам хирургга кўрсатиб, даволатиш керак, акс ҳолда арзимаган тирналиш катта жароҳат келтириб чиқаради.

А. ТУРҒУНОВ,
хирург.

«ЯНГИ ЙИЛ АТТРАКЦИОНИ» — ТОМОШАБИНЛАРГА

МОСКВА. Марказий телевидение шу кунларда катта янги йил байрам томошалари программасини тайёрламоқда. Кўрсатувлардан бири Цветной бульварда жойлашган пойтахт циркида суратга олинди. У «Янги йил аттракциони» деб аталади. Бу кўрсатувда томошабинлар ҳайвон ўргатувчилар Татьяна ва Александр Филатовларнинг ноёб «Айиқ цирки» номерлари билан, халқаро Оскар мукофотининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Грузия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Игорь Кио ва бошқа машҳур артистларнинг чиқишларини томоша қиладилар.

Кўрсатув программасини таниқли эстрада қўшиқчиси, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Алла Пугачёва ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист Спартак Мишулинлар олиб боришади.

СУРАТЛАРДА: Алла Пугачёва янги қўшиқ ижро этмоқда; ҳайвон ўргатувчи Филатовларнинг самокат ҳайдовчи айиқлари; «Янги йил аттракциони»да халқаро конкурслар лауреати Ирина Понаровская ҳам иштирок этади.

В. Созинов фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

● Иззатингдан айрилма

ОҚИБАТ

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

Фарзанд тарбияси ҳар бир ота-она учун шарафли, муқаддасдир. Баъзида ота-оналар тарбияга бефарқ бўлиб, кейин изтироб чекишади. Тўнғич фарзанд ақлли, одобли бўлса, ундан кейингилари ҳам катта арава қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам шунга эргашиб, ота-она ишончини оқлайди, агар тўнғич фарзанд ноқобил бўлса-чи?..

Шунга эришмоқлик керакки, фарзанд билан фикр юритаётганда, суҳбатлашаётганда, унинг ёши, руҳиятини ҳисобга олган ҳолда, катта ёшдаги кишилар билан суҳбатлашаётгандек сўзлашиш айни муддао бўлади. Агар тарбиячи терс, қўпол бўлса, бола ундан чўчиб, қулоқ тутмай қўяди. Натижада...

...Мактаб болалари ҳар куни дарс тугагач, магазин ёнига тўпланишиб, ҳар хил ўйинлар ўтказишади. Магазиннинг чап биқинида истиқомат қилувчи Достон хола эса болаларнинг қий-чувларини ёқтирмас, уларни ҳар хил қуракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб, қувиб юборарди. Шунданми, Достон хола кўринди дегунча, болалар юрак ҳовучлаб, қочиб қолишарди. Бугун ҳам худди шундай ҳол юз берди.

Достон хола кўнгли хуфтон, дили зимистон бўлиб, уйга кириб келганида кеч кириб, феруза осмонда бирин-кетин юлдузлар кўрина бошлаган эди. «Нега болалар мендан чўчишади?» ўйларди у изтироб билан. Шу пайт эшик очилиб, маҳалладоши Рўзигул опа кўринди. Унинг важоҳатидан қаҳр ёғилар, кўзларида аламли ўт чақнарди. Достон хола аввалига қотиб қолди, сўнг тили зўрға калимага келиб, охистагина «келинг» деди.

— Андишани қўрқоқлик деб ўйласангиз, янглишасиз. Сизда ҳеч оналик ғурури борми? Сизда виждон борми ўзи? — деди Рўзигул опа ўзини босолмай, бутун нафратини сочиб.

— Нималар деяпсиз, Рўзигулхон, бу сўзларни қайси тил билан айтаяпсиз?

— Ўғлингиз... ўғлингиз Баҳриддин...

— Ўғлимга. Ўғлимга нима бўлди? Чайналмасдан бундай гапирсангизчи? — дея ўрнидан шашт билан турган Достон хола, Рўзигулнинг «ўғлимга пичоқ урибди» деган сўзини эшитдию, ҳолсизланиб ўтириб қолди. Бундай кўнгилсиз воқеалар ўғлининг ҳаётида тез-тез бўлиб турса-да, бу энг ашаддийси, энг ёмони эди. Достон холанинг шусиз ҳам ташвиши ўзига етиб ортган эди. Кеча қизи Нафосат қайнанасини уриб, қош-кўзларини кўкартириб, уйига қайтиб келган эди. Достон хола шуларни эслаб қанча ўтирди, билмайди. Сўнг судраниб бориб, қўшни хонанинг эшигини очиб юборди. Хона папирос тутуни билан тўлган, арақ ҳиди анқиб турар, ўғли ечинмасдан, ҳатто оёқ кийимини ҳам ечмасдан ухлаб ётар, ёстиғи тепасида пичоқ, камар, тросс турарди. Достон хола шу алфозда ўғлининг бошида чўккалаб ўтириб қолди, хаёл уни бундан анча йил илгари бўлиб ўтган воқеага етаклади.

Ўшанда ўғли олти ёшда эди. Бир куни қўшнисиникидан қуёнчалардан биттасини ўғирлаб кириб келди-да:

— Ойи, ҳеч ким кўргани йўқ. Ўзингиз «мол эгасидан йўқолса, топиб олган кишининг мулки бўлади», дегансиз-ку, бу қуён энди меники бўлади.

Она «доно» ўғлига миннатдорчилик билдирди:

— Келгусида сендан ҳузур кўраман деб умид боғлаганман, албатта топағон бола бўлиб етишасан.

Рағбатлантирилган ўғли эртаси куни қўшнисиникидан яна қуён ўғирлаб келди.

Орадан бир неча йил ўтди. Бола ўсиб, ўн уч ёшга кирди. Қўшнисиникига кириб, энди қуёнча эмас, ундан каттароқ ўғриликка қўл урди. Тилла соат, қимматбаҳо ҳар хил тақинчоқлар, пул ўғирлаб уйга келди-да шоша-пиша, ҳеч кимга кўрсатмай уларни кўздан кечира бошлади. Шу пайт унинг тепасида Достон хола пайдо бўлди, ўғлининг қўлидагиларни олғир мушукдек ташланиб юлиб олмоқчи бўлди. Ўғил онасини кўрган заҳоти эҳтиёткорлик қилган эди.

— Ўғлим, энди сен кичик эмассан, менга бера қол, мен сенга мотоцикл олиб бераман, — деди она ва ўғлининг қўлидагиларни юлиб олди. Пул ва нодир буюмлар кимники эканлиги, унинг қўлига қандай тушиб қолганлигини ҳам суриштирмади. Гўё узумни олдию, иштаҳаси очилиб, боғини суриштирмади. Бу узумлар ўғли ва ўзининг бошига балолар келтиришини билмасди.

Ўғил ҳар доим «Ўғрилик қилганимни онам билса, ўлдиради» деб ўйларди. Лекин онаси у ўйлагандек баджаҳл, болани терғаб турадиган эмасакан, шунинг учун у ўғриликни ёмон иш деб ўйламас, қайтага онанинг мақтовидан жасурлик олиб тобора эгри кўчадан борарди.

Йиллар ўтиб, ўғрилик кўчасига кирган фарзанд онадан яширинча чекка-чеккада чекадиган, сўнг спиртли ичимликлар ичадиган одат чиқарди. Ўғли на онага, на катталарга сўз бермай қўйди. Энди унинг жиловини тутиб бўлмасди. Қўни-қўшни, ёру биродарларнинг панд-насиҳатларини у дашном деб тушунарди. Ҳеч қаерда ишламас, ишга бўйни ёр бермасди, лақиллаб юриб, алалоқибат фалокатга йўлиқди...

Ичкилик ичиб, ғум бўлиб ётган Баҳриддин чўчиб уйғониб кетди, онасини кўриб ўшқирди.

— Нима қилиб турибсан, чиқ бу ердан!

Онаизор бўйин эгиб, адил қомати ҳам бўлиб чиқиб кетди. Ўрнига ётди. Лекин ҳеч уйқуси келмади. У ўғлига кичикликдан нотўғри тарбия берганини, бу йўлда тузатиб бўлмас хато қилганини ўйлаб изтироблар чекди, пушаймонлар еди. Ўғлининг бундан кейинги аччиқ тақдирини ўйлаб, онаизор қақшаб, қон қақшаб йиғлади. Аммо онанинг ҳамма изтироблари, ўкинчлари энди беҳуда эди, энди кеч бўлган эди.

Н. ХУДОЙҚУЛОВ.

ИЧИМЛИК СОДАСИ ФОЙДАЛИМИ?

Ҳурматли редакция! Ичимлик сода яра касаллигини тузатади, деган гап тўғрими?
М. ҲАЛИЛОВА, ўқитувчи.

Яра касаллигида ичимлик сода ичиш керак, деган гап нотўғри. Афсуски, меъда яраси ва ўн икки бармоқ ичак яраси билан оғриётган баъзи беморлар жиғилдон қайнаши (бу касаллик аломатларидан бири)-ни босиш учун ичимлик сода ичадилар.. Бунда улар меъдадаги нордон нарсанинг қизил ўнгачга келганида жиғилдон қайнашини мутлақо ҳисобга олмайдилар, бу ҳолат фақат меъда ширасининг кислоталилиги ошганда эмас, балки у нормал бўлганда ,кислоталилик камайиб кетганда, ҳатто меъда ширасида озод хлорид кислота мутлақо бўлмаганда ҳам кузатилади. Шунинг учун жиғилдон қайнаши ҳар доим яра касаллигининг аломати бўлавермайди.

Бироқ ичимлик сода хлорид кислотани нейтраллаш хусусиятига эга бўлганидан аҳволни бир оз енгиллаштиради, аммо унинг фойдаси узоққа бормайди. Бунда ичимлик сода ва кислотанинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган углерод оксид меъда безларини таъсирлайди-да хлорид кислота яна жадал ишланиб чиқа бошлайди.

Сиз ичимлик содага ишонсангиз, дарддан қутулиш ўрнига уни ўтказиб юборишингиз мумкин. Вақтида врачга бориб даволансангиз, жиғилдон қайнашидан ва яра касаллигининг бошқа аломатларидан қутуласиз.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

Ушбу суратдаги қувноқ чеҳрали кичкинтойлар «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли болалар боғчасида тарбияланишади. Уларнинг устидаги ўзларига ярашиб турган кийимлари ҳам шу корхонада тикилган. Бу кийимларни тикаётган ишчилар шу болаларнинг ота-оналари, катта акалари ва опаларидир.

Бирлашма коллективи аҳолига кўплаб кенг истеъмол буюмлари етказиб бериш йўлида зўр бериб меҳнат қиляпти. Бу ерда болалар учун тайёрланаётган трикотаж буюмлар умумий маҳсулот ҳажмида қариййб 65 процентни ташкил этади. Кичкинтойларга аталган буюмларнинг кўпчилигини фахрли беш қиррали белги безаб турибди.

Фан ва техника янгиликлари

«ТЕМИР» ДАРАХТ

Эстониялик олимлар технологиясига мувофиқ ишлов берилган ёғоч конструкциялар металлдек пишиқ бўлади.

Қурилишда унча ярамайдиган баргли юмшоқ дарахтлардан тилинган оддий тахтага вакуум шароитида сланец смола алоҳида состави сингдирилади, сўнгра сопол буюм сингари печда пиширилади. Смола ёғочнинг жамики ғовакларига кириб борар экан қотади ва бундай ёғоч энди намликка ҳам, ўтга ҳам, биологик актив моддаларга ҳам бардош берадиган бўлиб қолади. Термик ишлов бергунга қадар конструкцияга исталган ҳар қандай шакл бериш, масалан тахтани ғилдирак қилиб эгиш мумкин.

Шундай ишлов берилган ёғоч конструкциялар одатдаги конструкцияларга нисбатан икки баравар кўп вақт хизмат қилади.

К. ЗАХАРОВ,
ТАСС мухбири.
Таллин.

ҲОДИСА

ДОВЮРАК ЧЎПОН

Дилижон ўрмонларини қуршаган қишлоқларда яшайдиган кўпгина чўпонлар ва овчилар кўкраги қашқа ва қулоғи ўқдан чиноқ бўлган шу айёр бўрини кўпдан бери ўлдирмоқчи бўлар эдилар. Бу катта ва учқир ҳайвон пода ва отарларни неча бор тўс-тўполон қилиб, ҳар сафар навбатдаги қурбонини бемалол олиб кетишга улгурар эди. Шундай қилиб, бўри баланд тоғликдаги Гош қишлоғининг чўпони М. Бабаян билан учрашмаса, унинг номи «қўлга тушмас» бўлиб кетишига сал қолганди.

Чўпонлар подани тоғдан қишлоққа ҳайдаб тушаётиб, чорва учун пастгина ғовланган қўтонда тунагани тўхтадилар. Бўри тун оралаб шу ёққа келди, лекин Бабаян хушёр турганди. У кўздор бир таёқни ушлаб, қароқчининг бошига боплаб туширди. Етиб келган ўртоқлари ёрдамида гангиб қолган бўрини боғлаб олишди.

Ёш чўпонни «бўриларга қирон келтирувчи» дейишади. У бўрилар билан 14 марта яккама-якка олишган ва ҳамиша ғолиб келган. Ҳамма ҳолларда ҳам оғир таёқ бирдан-бир қурол бўлиб келган.

(ТАСС мухбири).
Гош,
Арманистон ССР.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. АҲМЕДОВ: Мен 1964 йилдан бери Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводида ишлайман. Цахта териш машиналарининг айрим деталларини ва ҳар хил майда буюмларни бўяйман. Техника хавфсизлигига тегишли кийим, противогаз ва бошқа нарсаларни беришади, ҳамда сут билан таъминлаб турадилар.

Айтингчи, мен 50 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми? Раҳбарларнинг айтишича, мен 50 ёшдан пенсияга чиқишим мумкин эмас экан, сабаби мен ишлаётган цех соғлиққа хавфсиз экан.

Жавоб: СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ва ВЦСПС Президиумининг 1974 йил 15 октябрдаги «298/п — 22» сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатга асосан қуйидаги ишлар оғир, соғлиққа зарарли ҳисобланади:

а) 2 процентдан ортиқ қўрғошин эритмаси аралашган бўёқ, лак ва эфирли қоришма (шпаклевка) целлюлоза, эпоксид сақичи, симобли бирикма, сурмали бўёқ, бензол, метанол ва улардан чиққан кисилол, толуол ҳамда мураккаб спиртли бўёқ ва лакларни аралаштириб тайёрланадиган бўёқ ишлари билан банд ишчилар;

б) бензол, метанол ва улардан чиққан кисилол, толуол ва мураккаб спиртли бўёқлар билан камера, машина, агрегат, кема, вагон, цистерна ва резервуарлар ичида ишлаш;

в) ёриқлик чиқарувчи бўёқлар билан ишловчи бўёқчилар. Уларнинг иш куни 6 соатдан ошмаслиги керак, меҳнат отпускаларига 12 кун қўшилади ва пенсияга 50 ёшдан чиқадилар.

* * *

Т. ЮСУПОВ: Мен Тошкент шаҳридаги агрегат заводида ишчи бўлиб ишлайман. Тошкент Давлат университетидаги тайёрлов бўлимига ўқишга кириш учун заводимиз раҳбарларидан йўлланма беришларини сўраган эдим, йўлланма беришмади. Биз фақат техникага доир бўлган олий ўқув юртларига йўлланма берамиз деб айтишди. Шу тўғрими?

Жавоб: СССР Министрлар Советининг 1959 йил 18 сентябрдаги «1099» сонли қарорига мувофиқ олий ўқув юртлари ва техникумларга кириш учун йўлланма билан ўқишга тайёргарлик кўрган, қобилиятли, практик иш стажи икки йилдан кам бўлмаган илғор ишчилар юбориладилар.

* * *

М. РАҲМОНОВ: Кечки ҳунар-техника билим юртларида ҳамда кундузги ҳунар-техника билим юртларининг кечки бўлимларида (группаларида) ўқийдиган ишчи ва хизматчиларга қандай имтиёзлар берилади?

Жавоб: Кечки ҳунар-техника билим юртларида ҳамда кундузги ҳунар-техника билим юртларининг кечки бўлимларида (группаларида) ўқийдиган ишчи ва хизматчилар машғулот бўладиган кунлари билим юртларидаги ўқув машғулотига боролмасликка сабаб бўладиган сменадан ташқари ишларга жалб этилмасликлари керак.

Бундай билим юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли ўқиган шахслар йил мобайнида тайёрланиш ва имтиҳон топшириш учун 30 кунга ишдан озод қилинадилар. Бунда асосий иш жойида иш ҳақининг 50 процентини сақланади.

Бугунги Тошкент.
СУРАТДА: Ҳадра майдонининг умумий кўриниши.
М. Нуриддинов фотоси.

• ФАН—БЕШ ЙИЛЛИККА

ТОКЗОР УЧУН «МАЛҲАМ»

Молдавиядаги «Клишево» совхоз заводининг соҳибкорлари гектар бошига одатдагидан 50 центнер кўп узум олишлари учун ҳатто ток касаллиги ҳам ҳалақит бермади. Бунинг устига етиштирилган узум сифати яхши бўлди.

Республика фанлар академиясининг биологлари қуриб қолаётган токзорни барқ урдириб юбордилар. Улар ток барглари ва новдаларида бор ва руҳнинг камлигини аниқладилар. Олимлар ўғитга ана шу микроэлементлардан қўшишни ва уни ўсимликларга пуркашни тавсия қилдилар. Натижада ток тезда ўзини тутиб олди ва узум етилиши икки ҳафта тезлашди. Ҳар гектар токзор хўжаликка уч юз сўмга яқин фойда келтирди.

— Ўсимликда микроэлемент камлиги одатда баргларининг тусига, айрим органлари шаклининг ўзгаришига қараб аниқланади, — дейди Молдавия Фанлар академиясининг академиги С. Тома. — Ташқи белгиларига қараб, касалликнинг узайиб кетганлигини аниқлаш қишлоқ хўжалиги ходимларини қониқтирмайди. Улар вақтида профилактик чораларини кўришлари учун тупроқдаги микроэлемент миқдорини, ҳар бир участкада микроэлементга бўлган эҳтиёжни аниқ билишлари керак. Микроэлементлардан фойдаланиш борасида биз таклиф этган метод маккажўхори ҳосилини гектар бошига 8 центнергача, узум ҳосилини 48 центнергача, лавлаги ҳосилини эса 70 центнер ортиқ кўпайтиради ва маҳсулот сифатини ҳам яхшилайди. Ҳозир Молдавияда экинларга ўзига хос тез ёрдам хизматини ташкил этиш программаси ишлаб чиқилмоқда. Ўсимликлар таркибидаги микроэлементлар миқдорини аниқлайдиган оригинал тезкор методлар таклиф этилди. Ерларни биохимик таркибига кўра картага олиш бошланди.

(ТАСС).

• ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

«ЧЕРЕПАХА» ЕРНИ ТИНГЛАЙДИ

Ихчам автомат «Черепаха» сейсмостанцияси ер пўстлоғини ўрганиш имкониятларини кенгайтириб беради. Олмаотадаги «Казгеофизприбор» заводи бу янгиликни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Шу аппаратларнинг бир тўпи москвалик олимларга юборилди.

«Черепаха» геологларнинг оддий рюкзагига жо бўлади, уни бир киши бошқа тадқиқот участкасига кўтариб бора олади. Аппарат кичик бўлишига қарамай зилзилаларни, тоғ кўчкилари вужудга келтирган силкинишларни, катта чуқурликда ер пўстлоғининг устида юз берувчи озгина ўзгаришларни ҳам қайд этади.

Қозоғистонлик сейсмологлар зилзилаларни прогноз қилиш учун шу кўчма станциядан фойдаланаяптилар. Хавфли зоналар картаси тузилмоқда. Шу районларга олдиндан «черепаха»ли мутахассислар десанти вертолетдан туширилмоқда. Дастлабки силкинишлар тўғрисидаги маълумотлар электрон ҳисоб машинасида ишлаб чиқилгач, эҳтимол тутилган табиий офатни аниқлашга имкон беради.

Микросейсмостанция мамлакатнинг шимолидаги мангу музлик зонасида, шунингдек жанубда, Тянь-Шань ва Помир тоғларида синовдан яхши ўтди.

РЕГИСТОНДА ЎТИЛГАН ДАРС

Қўнғироқнинг овози Самарқанддаги 1-мактаб тўртинчи синф ўқувчиларини Регистонга чорлади. Дарсни эса ўқитувчи эмас, балки Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи давлат музейининг илмий ходими бошлади. Шундай қилиб, болалар кўз олдида узоқ замонлардаги ишлар жонланди. Болаликдан таниш мадраса қиёфаси янгича бўлиб кўринди.

Экскурсия дарслари мактаб дарсларининг жадвалига тез-тез киритилиб турибди. Архитектура дурдоналари билан танишиш ўқувчилар программанинг тарихга доир бўлимларини чуқурроқ ўрганишларига ёрдам бермоқда. Музей ҳузурида очилган «Ёш экскурсовод» тўгарагига ўнлаб болалар қатнашмоқда. Каникул кунларида тўгарак аъзолари музей залларида навбатчилик қилмоқдалар, тенгқурларига экспозицияларни тушунтириб бермоқдалар.

Мактабларга келувчи турли кўчма виставкалар ўз йўлини музейдан бошлайди. Улар ўқувчиларни самарқандликларнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари билан, уларнинг беш йиллик биринчи йили вахтасидаги шонли ишлари билан таништирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми материалларига махсус виставка бағишланган. ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида ёшларнинг партия ветеранлари билан, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган жанг қатнашчилари билан учрашувлари ташкил этилмоқда.

(ЎзТАГ).

ҲАР ТЎҒРИДА

Ўтган шанба Австриядаги Цистерсдорф шаҳарчасининг марказий кўчалари ҳувиллаб қолди. Қизғин савдо-сотиқ бўладиган ва кўп йўловчилар йиғиладиган жойлар бўм-бўш эди. Полиция машиналарига ғизиллаб ўтиб, радио карнай орқали аҳолини уйдан чиқиш хатарли эканлиги тўғрисида огоҳлантирар эди. Маҳаллий циркдан қочган олтита арслон бунга сабаб бўлди. Ҳайвонларни шаҳар кўчаларидан излаб топиб, уларни қафасга киритиш учун ҳайвон ўргатувчи билан полициячиларга бир неча соат керак бўлди.

* * *

Уганданинг ғарбида жойлашган бир неча қишлоққа бабуин маймунлар қирон келтирди. Ҳайвонлар экинларнинг кўп қисмини йўқ қилди, бабуинларнинг одамларга ҳужум қилган ҳоллари ҳам бўлди. Яқин атрофдаги қўриқхонадан маймунлар катта подаси шу районга келганди.

* * *

Шимоли-Шарқий Ассам штатида ниҳоятда кам учрайдиган катта бир йиртқич қуш тутилганлиги тўғрисидаги хабар ҳинд олимларини ҳайратга солди. Сиртдан бургутга ўхшаб кетадиган бу қанотли қайси турга киришини мутахассислар ҳозирча аниқ белгилай олмай турибдилар. Қуш қанотларининг қулочи 5 метрга, вазни эса 15 килограммга боради.

Қуш тасодифан тутилди: у қўниб турган шох тўсатдан синиб кетди. Қанотли йиртқич ерга қулаб тушди ва шу жойдан ўтиб бораётган ўрмончилар тутиб олдилар. Яқин фурсатда парранда Ассам штатининг маъмурий маркази— Гаухати шаҳрининг ҳайвонот боғига топширилади.

* * *

Француз спортчиси К. Марти Атлантика океанини Виндсерфда сузиб ўтишга уриниб кўрмоқчи. У шу ғалати сафарга Дакар портидан жўнаб кетди. Портчи 30 кун мобайнида (йўлда унга чоғроқ кема ҳамроҳ бўлади) 5 минг километр масофани сузиб ўтиб, Мартиника оролигача етиб бормоқчи.

* * *

Французлар Ги Брути ва Жан Луизлар дунёда энг катта бошқотирмани тузиб тугатгунликларига қадар бир неча бор терлаб пишишларига тўғри келди. Улар тузган кроссворд узунлиги беш метр, эни уч метрни ташкил этади. Буни ечиб ҳал этиш учун 50 минг катак ичига 18 мингта сўзни топиб ёзиб чиқиш лозим бўлади.

* * *

Чилилик 55 ёшли аёл Леонтина Альвина серфарзандлик борасида одатдан ташқари рекорд ўрнатди. У ўз ҳаёти давомида 36 ўғил ва 15 қиз — яъни 51 фарзанд кўрди. Биринчи чақалоқни ўн тўрт ёшлигидаёқ дунёга келтирган. Қай йўсинда бундай кўрсаткич юзага келди? Леонтина тўрт маротаба иккитадан эгизак туғди. Ҳозир фарзандларидан 42 ўғил-қиз соғ-саломат ҳаёт кечирмоқдалар.

* * *

Соломон оролларида врачлар хизматига одатда картошка билан ҳақ тўланади. Врачнинг бир маротаба ташриф буюриши бир дона катта картошка баҳосида. Лекин бундай тўлов оддий кунлар ва кундузи амалда бўлади. Тундаги тиббий ёрдам эвазига бешта катта картошка тўланади. Бу миқдор шанба куни эрталаб ҳам амал қилади. Тушдан сўнг эса тўлов ҳақи икки баробар ортади ва шу бўйича бу миқдор душанба кунгача амалда бўлади.

• Текинхўрларга шафқат йўқ!

ҚАЛЛОБНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ

Қаллоблар, товламачиларнинг мақсади ҳамиша бир хил бўлади. Улар турли хил найранглар билан кишининг пинжига кириб, унинг пули ёки бирон-бир нарсасини ўмариб кетиш пайига тушишади. Баъзилари бирон бир ноёб буюм олиб бераман, айримлари квартира олишингизга ёрдам бераман деб, лақиллатишади. Республика тайёрлов министрлигининг Тошкентдаги автобазаси шофёри, Бийск кўча, 25-уйда турувчи Муҳамед Оғалиев эса қаллобликнинг антиқа усулини ишлатиб, осон йўл билан чўнтагини қаппайтирмоқчи бўлди. У ўз қилмишларини қанчалик яширишга ҳаракат қилмасин, барибир одил суд олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Қаллобнинг қилмишлари қуйидагича: Оғалиев автобазадан Свердловск шаҳрига командировкага борадиган бўлиб қолди. У машинада станок олиб бориб, ўша ерга топшириб келиши лозим эди. Аввалига сафардан шахсий манфаати йўлида фойдаланиш, яъни у ёққа бирон бир юк қўшиб олиб кетиб, пул ишлашни мўлжаллади. Шу мақсадда Олой бозорида айланиб юриб, ўшлик Айтмарак Холмамбетов ва Ўрозмамат Эшматов деган кишилар билан танишди. Улар томорқаларида етиштирилган олма ва саримсоқ пиёзни сотишаётганди. Олманинг ҳар килограммини 2 сўмлигини билган Оғалиев Свердловскда уни 4 сўмдан ортиққа сотиш мумкинлигини айтди ва янги танишларини ўша ёққа боришга қизиқтирди. Холмамбетов ва Эшматов сотиладиган маҳсулот ҳали кўп эканлигини ҳисобга олиб, Оғалиевнинг таклифига розилик билдиришади. Муҳамед 4,5 тонна олма, 350 килограмм саримсоқ пиёзни машинасига юклаб, йўлга равона бўлади. У кетиш олдидан кира ҳақи сифатида мол эгаларидан 2 минг сўм пул олади. Холмамбетов ва Эшматов Свердловскка самолётда учиб бориб Оғалиев билан бозорда учрашишга келишишади.

Оғалиев йўлда бора туриб, фикри бузилди. Дастлабки 2 минг сўм пулни ўмаргандан сўнг нафси ҳакалак отиб кетди. У кира ҳақи билан чекланмай, машинадаги юкка ҳам кўз олайтирди. Муҳамед мол эгаларини ҳийла-найранглар билан лақиллатиш режасини тузади.

Холмамбетов ва Эшматов Свердловск бозорида келишилган кундан бошлаб Оғалиевни роса кутишади. Муҳамед у ерга олти кун кечикиб боради. У «машинам йўлда— Челябинск областида бузилиб қолди, шунинг учун кечикиб келдим. Мен билан бирга бориб молингизни олингиз»— дейди. Шундай қилиб, уччаласи йўлга тушишди. Оғалиев аввалига «60 километр йўл босганимиздан сўнг машинам бузилиб ётган жойга етиб борамиз», дейди. Лекин қарийб 300 километр йўл босишса ҳам у айтган жойдан дарак бўлавермайди. Бундан хавфсираган Холмамбетов ва Эшматов Муҳамеддан ажралиб, Тошкентга қайтишга мажбур бўлишади. Улар Оғалиевга маҳсулотлар учун Тошкентга ҳисоб-китоб қиламиз, дейишади.

Мол эгалари Тошкентга қайтишгач Оғалиевнинг уйига қатнайвериб, роса чарчашади. Улар дастлаб «Муҳамед ҳали келмади», деган жавобни эшитишган бўлса, кейинчалик Оғалиев уларнинг кўзига кўринмай қочиб юрди. Орадан ярим ой ўтгандан сўнг унга учрашишганда эса яна устамонлик қилиб, Холмамбетов ва Эшматовни лақиллатди. У «Сизларнинг маҳсулотингизни Челябинск область, Чесмен районидаги қишлоқ матлубот жамиятига топширдим, мана шу ҳақдаги ҳужжат, бориб пулини олишингиз мумкин», дейди. Унинг бу гапига ишонган маҳсулот эгалари овора сарсон бўлиб поездда Оғалиев айтган жойга етиб боришди. Қишлоқ матбуот жамиятига учрашишганда ҳақиқатан ҳам Оғалиев олма ва саримсоқ пиёз топширганлиги маълум бўлади. Лекин Муҳамед бу маҳсулотлар учун жами 3960 сўм пул олганлиги қайд этилганди Холмамбетов билан Эшматов шу ҳақда матбуот жамиятидан справка олишиб, кайфиятлари хуфтон бўлиб Тошкентга қайтишди.

Шундан кейин жабрланувчилар яна икки марта Оғалиевнинг уйига боришади. Муҳамед «Пулингизни эртага қайтараман», деган баҳона билан уларни ўн кунгача алдаб юради. У маҳсулот эгаларининг кўзига кўринмай, анчагача сарсон қилади. Жабрланувчилар милицияга мурожаат қилиб, товламачини жавобгарликка тортишни сўрашди.

— Оғалиевнинг жиноий иши жабрланувчилар, гувоҳларнинг кўрсатмалари тергов материаллари билан тўла асослаб берилди. — дейди Киров район прокурорининг катта ёрдамчиси Омон Раҳматуллаев.— У Киров район халқ суди ҳукми билан уч ярим йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Чиқарилган ҳукмга кўра жабрланувчиларга Оғалиевдан улар кўрган зарар ундирилади.

Қилмиш-қидирмиш, деб бежиз айтилмаган. Оғалиев ўзини турли оҳангга солмасин, қилмиши олдида жавоб берди. Ушбу воқеадан хулоса чиқариш, жабрланувчиларнинг ҳатти-ҳаракати ҳақида фикр юритиб, мулоҳаза қилиш ўринлидир. Улар ўз ишлари битишини кўзлаб, давлат машинасидан шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланишга бефарқ қараганлар. Бу билан энг аввало белгиланган тартиб-қоидаларининг бузилишига йўл очиб беришган. Шунингдек, Оғалиевнинг товламачилик қилишига маълум даражада шарт-шароит яратиб беришган. Холмамбетов ва Эшматов ўз маҳсулотларини Тошкентнинг ўзида сотишлари ёки давлат тайёрлов идораларига топширишлари лозим эди. Нафси ҳакалак бу одамларнинг ҳам аслида Оғалиевдан фарқи йўқ.

С. САИДАЛИЕВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

• РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

11, 12, 13, 18 ДЕКАБРЬ СОАТ 14, 17, 20.00 ДА;
14, 15, 16, 17 ДЕКАБРЬ СОАТ 17 ВА 20.00 ДА
Стас НАМИН раҳбарлигидаги
«ГУЛЛАР» РОК ГРУППАСИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

БИЛЕТЛАР МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА ҲАР КУНИ СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА СОТИЛАДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53.

Марказий «Юбилей» спорт зали атрофида транспортлар кўпайтирилади ҳамда автомашиналар учун тўхташ жойи ташкил этилган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

9 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ

Цирк санъатининг ҳамма жанрларидан турли хил программа намойиш қилинади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда. Телефон 44-35-91.

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг
ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича:
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

пойафзал ремонти бўйича мастер. Ўқиш муддати— 4 ой. Стипендия— 60 сўм; эркаклар залининг сартароши, аҳолининг якка тартибда буюртмаси бўйича мебелларни тайёрлаш ва ремонти бўйича мастер, плоскофанговали машиналарда тўқишнинг тўқувчилари, рангли фотосурат ишлари бўйича фотограф. Ўқиш муддати —9 ой, стипендия ойига 30 сўм.

16 ёшдан 30 ёшгача бўлган, 8— 10-синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Машғулотлар 1982 йилнинг январь ойида бошланади.

Битирувчилар ўқишни тугатганларидан кейин Тошкент шаҳридаги маиший хизмат корхоналарига ишга юбориладилар.

Ўқиш вақти узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси (286-формали), турар жойидан справка, 3 та фотосурат (3х4 см.),

Ушбу адресга мурожаат этилсин: 700053, Тошкент шаҳри, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй (19, 115-автобуслар; 2, 16-трамвайларнинг «Узбексельмаш» заводи бекати). Телефон 35-25-64.

«КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган
5 ВА 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга қабул қилинганлар шаҳар электротранспортидан бепул фойдаланадилар ва уларга 50 процент қийматига формали кийим-бош берилади.

Ёлғиз кишиларга депо яқинида жойлашган ётоқхонадан жой берилади

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Красновосточний кўчаси, 3-«а» уй (1, 17 «э», 102-автобуслар; 18-троллейбус; 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточное» депоси» бекати).

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ОШПАЗЛИК БИЛИМ ЮРТИ
1981 — 1982 ўқув йили учун
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти турли разряддаги юқори малакали ошпазлар, кондитерлар тайёрлайди.

Ўқиш муддати 10 синф маълумоти борлар учун — 2 йил, 8-синфни битирганлар учун — 3 йил.

Ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш 2 январдан бошланади.

Ўқишга Ўзбекистон шаҳарларида яшовчи 15 — 20 ёшдаги ёшлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Битирувчиларга ошпаз ёки кондитерлик мутахассислиги билан бир қаторда ўрта маълумоти ҳақида диплом берилади.

Барча ўқувчиларга ойига 32 сўмдан 41 сўмгача стипендия тўланиб, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юрти қошида волейбол, футбол, сузиш каби спорт секциялари билан бир қаторда хор, ўзбек ансамбли каби бадиий тўгараклар мунтазам равишда ишлаб туради.

Ўқиш даври иш стажига қўшилади.

Ишлаб чиқариш практикалари Тошкент шаҳридаги йирик ошхона ва ресторанларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

директор номига ариза, автобиография, 6 дона 3х4 см. ҳажмидаги расм, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), характеристика, яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, савдо ёки умумий овқатланиш трестидан йўлланма.

Бизнинг адрес: 700071, Октябрь район, Самарқанд дарвоза кўчаси, 60-уй (4, 9, 11-трамвайлар, 29, 32, 34, 36, 43«э», 90-автобусларнинг «Оқтепа» бекати). Телефонлар: 78-26-27, 78-82-69.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

А. ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
токарлар, фрезерчилар, слесарь-ремонтчилар, автослесарлар, контролерлар, темирчилар, сайқал берувчилар, бўёқчилар, чархловчилар, стропалчилар, радиомонтажчилар, регулировкачилар, ўровчилар, ҳайдовчилар, дурадгорлар, пармаловчилар.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
монтажчилар, радио аппаратуралар ва приборларни регулировка қилувчилар, токарлар, фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар, слесарь-сантехниклар, слесарь-вентиляцичилар, слесарь-йиғувчилар, гальванчилар, юкчилар, аниқ механика приборлари бўйича инженерлар, радио аппаратсозлиги бўйича инженерлар, электрон приборлар бўйича инженерлар, автоматика ва телемеханика бўйича инженерлар.

Турар жойларни капитал ремонт қилиш бўйича
ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, ғишт терувчилар,
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАСИГА
ипак эшувчилар, пиллани буғлатувчилар, ўровчилар.
КИРОВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА
ҳаводан суратга олувчи фотографлар, фотолаборантлар, оригиналларни катталаштириш учун буюртмаларни қабул қилувчилар, бухгалтерлар.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
ошпазлар, қандолатчилар, буфетчилар, фаррошлар, ишчилар, бухгалтерлар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН УШБУ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/XII да **Гурунг** (премьера).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/XII да **Хизматингизга тайёрмиз, 11/II да Кулги кечаси.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.30).

КИНО

9 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МАРДЛИК УЧУН ЧИНИҚИШ» — **Восток.**

«ТАЛЛИН ОСМОНИДА» —**Дружба.**

«МОСКВА ЖАСОРАТИ» — **Москва.**

«УЙИНГИЗГА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ТИЛАЙМАН»— **Фестиваль.**

«РАИС»— **Нукус.**

«БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОТИШ ҲУҚУҚИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01). **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«СИРЛИ ЗАНЖИРЧА» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07). **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02). **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

10 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МАРДЛИК УЧУН ЧИНИҚИШ» — **Восток.**

«ТАЛЛИН ОСМОНИДА» — **Дружба.**

«МОСКВА ЖАСОРАТИ» — **Москва.**

«УЙИНГИЗГА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ТИЛАЙМАН» — **Фестиваль.**

«РАИС» — **Нукус.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОТИШ ҲУҚУҚИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87). **Лисунов номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«СИРЛИ ЗАНЖИРЧА» — **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

«ТУНГИ АЛВАСТИЛАР» ОСМОНИДА» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

9 ДЕКАБРЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Рус тили». 18.15 «Горнчилар, қаердасиз». 18.45 «Экономика тежамли бўлиши керак». Мамлакатнинг йирик конларидаги пармаловчиларнинг иш тажрибасидан. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.30 Марказий телевидение экранида биринчи марта «Ҳамма нарсадан азиз». Тарихий-публицистик киноэпопея. 3-фильм —«Мураккаб дала». 21.30 «Время». 22.05 Н. А. Некрасов туғилган куннинг 160 йиллигига. «Рус аёллари». Поэма. 22.40 «Дунё воқеалари». 22.55 Катта симфоник оркестрининг концерти. Солист— халқаро конкурслар лауреати Г. Жислин.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Халқаро панорама». 20.15 «Қуёш хазинаси». 21.00 «Музикали Каунас». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».

21.30 «Время». 22.05 «Миклухо-Маклай». Бадиий фильм. 23.35 «Калуга варианти». Телевизион ҳужжатли фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошларинг ижоди». 18.35 «Бу мангу нурни эъзозла». Ҳужжатли фильм. (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Пардаев ҳамда Қўқон музикали драма ва комедия театрининг солисти Х. Умарова концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Тошкент электрон техника заводи рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Афсус-надомат». Бадиий фильм. 1-серия. 23.10 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.25. Кўрсатувлар программаси.

10 ДЕКАБРЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Ҳамма нарсадан азиз. Тарихий— публицистик киноэпопея. 3-фильм. «Мураккаб дала». 11.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 11.50 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти болалар фонди (ЮНИСЕФ) ташкил этилганлигининг 35 йиллигига «Болалар номидан» Ҳужжатли фильм. 15.50 «Гиляй амакининг ҳаёт ва китоблари». В. Гиляровский асарлари саҳифаларида. 16.45 Бадиий коллективлар концерти. Иркутскдан олиб кўрсатилади. 17.10 Шахмат мактаби. Оқ рух. 17.40 МПЛА— Меҳнат партияси ташкил этилганлигининг 25 йиллигига. «Агостиньо Нето, Кураш поэзияси». Ҳужжатли фильм.

18.10 «Заря Востока» газетасининг совғини учун қўл тўпи бўйича Халқаро турнир. Эркаклар. СССР— Югославия терма командалари. 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 18.40 «Миллионлар ленинча университети». Қўл меҳнатини механизациялаштириш ҳақида. Кўрсатувда иқтисод фанлари доктори, профессор В. Г. Костаков иштирок этади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.00 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 20.30 Марказий телевидение экранида биринчи марта «Ҳамма нарсадан азиз». Тарихий— публицистик киноэпопея. 4-фильм. — «Тинчлик ёки уруш». 21.30 «Время». 22.05 Фигурали учиш бўйича «Московские новости» газетасининг совғини учун Халқаро мусобақалар. Жуфт бўлиб учиш. Қисқа программа. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 РСФСР халқ артисти В. Третьяков ҳамда СССР Давлат академик симфоник оркестри ижросида П. И. Чайковский асарлари.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Сиз бунга қодирсиз». Ихтирочилар конкурси. 20.15 «Қишлоқ янгиликлари». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Шаҳрим юлдузи». Бадиий фильм. 23.40 А. Скрябин. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Бим, Бам, Бом ва Бўри». 18.20 «Ёшлик студияси кўрсатади», «Эстафета давом этади». 18.50 «Фан уфқлари». 19.20 «Ҳаёт мактаби». Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китоби ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». Туроб Тўла. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек Давлат филармониясининг солистлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қ. Искандаров ва Г. Юсупова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.30 «Афсус-надомат». Бадиий фильм. 2-серия. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари, 38-дорихона мудири С. Ҳ. Иноғомхўжаевга отаси

Иноғомхўжа
БОЛТАХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Ташплодоовощ»нинг Куйбишев район улгуржи-чакана савдо идорасининг маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари 2-база раҳбари У. Ҳасановга рафиқаси

Насиба
ҲАСАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан. мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р— 07452,

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, В-2524. Индекс 64691.